

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**“МОЛИЯ, БАНК ВА СОЛИҚ ҲУҚУҚИ”
КАФЕДРАСИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИНИ ҲУҚУҚИЙ
ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ**

Бажарди: “Давлат ҳуқуқий
фаолият” йўналиши,
4-курс талабаси **Абдуллажанов**
Дилмурод Фарход ўғли

Илмий раҳбар: “Молия, банк
ва солиқ ҳуқуқи” кафедраси
доцент в.б. **Ф.Б. Исаева**

Тошкент – 2016

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3-7
I боб. Товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувини амалга оширишнинг умумий қоидалари	8
1.1. Товар ва транспорт воситалари божхона расмийлаштируви ва уни амалга ошириш тартибининг ҳуқуқий асослари.....	8-18
1.2. Товар ва транспорт воситалари божхона расмийлаштируви ва уни амалга ошириш тартибининг ҳуқуқий асослари.....	19-22
I боб юзасидан хулоса	23
II боб. Божхона расмийлаштирувида товар ва транспорт воситаларини декларациялаш асослари	24
2.1. Товар ва транспорт воситаларини декларациялаш тушунчаси, декларациялаш шакллари ва тартиби.....	24-38
2.2. Декларациялаш жараёнида иштирок этувчи субъектлар таснифи (декларант, божхона брокери, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис, божхона ташувчиси).....	39-49
II боб юзасидан хулоса	50-51
III боб. Божхона расмийлаштирувини амалга оширишда халқаро тажрибанинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили	52
3.1. Божхона иттифоқининг (Россия – Белорусия – Қозоғистон) ташкил этилиши: бугуни ва келажак истиқболлари.....	52-56
3.2. Божхона иттифоқида товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати ва расмийлаштируви.....	57-68
Хулоса ва таклифлар	69-71
Фойдаланилган адабиётлар	72-76
Иловалар	

КИРИШ

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда божхона фаолиятини ташкил этишга ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган давр мобайнида божхона хизмати республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш, кенг кўламли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида алоҳида омил сифатида ижобий таъсир кўрсатди. Бу соҳанинг иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлаштиришдаги ўрни божхона воситаларини қўллаш асосида иқтисодиётни, айниқса импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган замонавий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, самарали иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва эркинлаштириш, давлат бюджети тушумларини бож ва турли тўловлар негизида доимий равишда таъминлаш, ички бозоримизни ҳар томонлама ҳимоялаш, мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини сақлаш ва Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш каби масалаларда намоён бўлмоқда.

Истиқбол йилларда божхона фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан иқтисодий-ташкилий, молиявий, техник, илмий-услубий ва бошқа йўналишларда мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда божхона тизими мамлакатимиз иқтисодиётининг юксак даражада ривожланган соҳаларидан биридир. Ўзбекистон божхона тизими ўзининг замонавий моддий-техник базасига ва замонавий инфратузилмасига эга эканлиги билан, божхона ишининг жаҳон талабларига жавоб берадиган меъёрий-ҳуқуқий асосда ташкил этилгани ҳамда малакали мутахассислари билан жаҳон божхона тизимидаги нуфузли тузилмалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши, ташқи савдо муносабатларининг ўсиб бориши, божхона чегараси орқали йўловчилар ҳаракатланишининг ортиши, миллий ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлик масалаларининг кучайиши, замонавий умумбашарий маълумотлар технологияларининг жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси божхона тиўимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этди. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, - “ташқи иқтисодий соҳа тармоқ мажмуини вужудга келтирмасдан,**божхона хизмати ишини халқаро стандартлар ва талаблар даражасида йўлга қўймасдан туриб**, халқаро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни тасаввур қилиб бўлмайди”¹.

Мустақиллик йилларида, ўзбек божхона тизимининг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий аспекти тамомила қайта кўриб чиқилди. Ҳозирда унинг фаолияти миқдор ва сифат ўзгаришларини ўзида сингдириб олган. Республикада Давлат

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998 йил. 144-145 бетлар.

божхон қўмитаси, 14 вилоят божхона бошқармалари ва 200 дан ортиқ божхона масканлари (божхона постлари ва божхона комплекслари) мавжуд. Божхон органлари тизими бундай қайта ташкил этилганлиги билан бирга божхона ишининг моҳиятига бўлган муносабат ҳам мазмуан ўзгарди. Советлар даврида божхона ташқи савдо давлат монополиясига хизмат қилувчи ёрдамчи институт сифатида қаралган бўлса², ҳозирда божхона сиёсатининг асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида самарали божхона назоратини ҳамда товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлаш, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантириш, ички бозорни ҳимоялаш этиб белгиланди³.

Ҳозирги глобаллашув ва интеграциялашув шароитида янгидан-янги ҳуқуқий муносабатлар вужудга келиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг божхона тўғрисидаги қонунчилиги нормаларида ҳалигача қонундаги бўшлиқларнинг мавжудлиги ва мазкур соҳа илмий жиҳатдан ҳуқуқшунос олимлар ва тадқиқотчи изланувчилар томонидан етарли даражада ўрганиб чиқилмаганлиги сабабли божхона ҳуқуқи соҳаси қатор илмий изланишлар олиб борилиши ва мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари яна ҳам мукаммаллаштирилган тартибда ислоҳ қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикасида божхона ҳуқуқий янги ва ҳали тўла шаклланмаган ҳуқуқ соҳаси бўлганлиги сабабли мазкур соҳа фақатгина қонунчилик нуқтаи назаридан тартибга солинганлиги ҳамда божхона соҳасига доир назарий манбаларнинг тўла ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек ушбу соҳа қонунчилиги нормаларида айрим муаммоли вазиятларнинг мавжудлиги битирув малакавий ишининг назарий ва амалий жиҳатдан долзарб эканлигидан далолат беради.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шуниси билан белгиланадики, мазкур битирув малакавий ишда билдирилган фикрлар, келтирилган таклифлар ва умумлаштирилган хулосалар нафакат божхона расмийлаштируви, балки бошқа божхона-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин. Мазкур ишда келтирилган фикр, таклиф ва хулосалардан келгусида Ўзбекистон Республикасида божхона ҳуқуқий соҳасининг назарий асосларини яратиб берувчи турли услубий-қўлланмалар, дарслик ва мажмуаларни яратишда, шунингдек келгусида ушбу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ёрдамчи манба ёки манбалар мажмуаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Илмий янгилиги. Мазкур битирув малакавий ишида божхона соҳасида божхона расмийлаштирувининг тутган ўрни, унинг назарий ва қонунчилик нормаларида акс эттирилган жиҳатлари, умумий хусусиятлари, божхона расмийлаштирувида иштирок этувчи субъектларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг

² Сандровский К.К. Таможенное право. – Киев. 1971. Стр. 73-96.

³ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. 1-модда. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда.*

божхона-ҳуқуқий муносабатларга киришишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда аҳамияти, шунингдек божхона расмийлаштирувига доир қонунчилик нормаларини қўллашда келиб чиқаётган бўшлиқлар билан боғлиқ бўлган муаммолар илмий ва амалий жиҳатдан ёритиб берилди.

Божхона расмийлаштируви юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда ҳимояга қуйидаги таклифлар тақдим этилади:

1. Божхона расмийлаштируви тушунчаси божхона тўғрисидаги қонунчилик нормалари, шунингдек чет эллик, жумладан рус олимларининг фикрича божхона чегарасидан олиб ўтилаётган ва божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона органи мансабдор шахслари томонидан амалга ошириладиган божхона операциялари мажмуидан иборат бўлиши тўғрисидаги фикрлар илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинди ва мазкур тушунчада бир қатор камчиликлар мавжуд экандиги аниқланди. Унга кўра, божхона расмийлаштируви – божхона-ҳуқуқий муносабатлардан бири бўлиб, ундаги божхона операцияларини амалга оширишда фақатгина божхона органи мансабдор шахслари эмас, балки декларант ҳам ҳам иштирок этиши ва божхона расмийлаштируви икки томонлама муносабат эканлиги асослаб берилди.

2. Божхона расмийлаштирувига доир қонунчилик нормалари, жумладан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг аввалги ва янги таҳрири таҳлил қилиниб, божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операцияларни амалга ошириш Божхона кодексининг амалдаги таҳриридан кўра, аввалги таҳрирда аниқроқ ва тушунарлироқ белгиланганлиги ҳамда мазкур асосда Божхона кодексига божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар алоҳида боб сифатида киритилиши лозимлиги исботлаб берилди.

3. Божхона расмийлаштирувида соддалаштирилган тартибнинг қўлланилишига доир қатор божхона тўғрисида қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилиниб, мазкур нормалар айнан қайси товарларга нисбатан соддалаштирилган тартибнинг қўлланилиши тўғрисида рўйхат ёки йўриқноманинг мавжуд эмаслиги, келгусида шу соҳага доир аниқ товарлар рўйхатининг ишлаб чиқилиши божхона чегарасидан товар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи декларантлар учун қулайликлар яратиши илмий асослантирилди.

4. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳуқуқи эндиgina тараққий этиб бораётганлигини инобатга олиб, мазкур соҳада ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимлар ва илмий-тадқиқотчилар томонидан назарий адабиётлар деярли ишлаб чиқилмаганлиги сабабли божхона ҳуқуқининг назарий асослари (дарслик, ўқув-қўлланма, мажмуа ва бошқа ёрдамчи материаллар) яратилиши Ўзбекистон Республикасида божхона ҳуқуқининг янада ривожланишига замин ҳозирлаши исботлаб берилди.

5. Товар ва транспорт воситалари божхона расмийлаштирувида божхона брокерининг декларант ёки ваколатли шахс билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги “Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги 01-02/12-19-сонли Қарори қабул қилиниши муносабати билан божхона брокерлари ва декларантлар ўртасида тузиладиган ягона шартнома шакли ва стандартларини жорий қилиниши келгусида божхона соҳасида қўлланиладиган ҳужжатлар шаклини ягоналаштириш имконини яратиши асослаб берилди.

6. “Божхона брокери тўғрисида”ги Низомга асосан божхона брокери декларантнинг номидан божхона тўловларини тўлаш мажбуриятини олиши белгиланган, лекин Божхона кодексига мувофиқ эса божхона брокери фақат декларант билан тузилган шартномада назарда тутилганидагина божхона тўловлари тўловчиси бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги норма ўрнатилган. Шундан келиб чиқиб, мазкур икки нормани бир-бирига мувофиқлаштириш ҳамда божхона тўловларини божхона брокери томонидан тўлаш бўйича аниқ механизм ишлаб чиқиш зарурияти мавдужлиги асослантилди.

7. “Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисида”ги Низомга кўра божхона расмийлаштируви мутахассис малака аттестатини олишга талабгор шахс ўрта-махсус ёки олий маълумотга эга бўлиши, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларда мутахассис сифатида камида бир йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар фаолиятини янада самарали равишда ташкил этиш мақсадида “Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, мазкур мутахассислик учун фақат олий маълумотга эга бўлишлик цензи ҳамда фақатгина ташқи иқтисодий фаолияти билан эмас, балки мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектда фаолият юритаётган шахслар божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис бўла олишлари тўғрисидаги норма жорий қилиниши келгусида мутахассислар масъулиятини ошириши ҳамда бошқа хўжалик субъектлари ҳам мазкур соҳада фаолияти юрита олиш имконини бериши исботлаб берилди.

Тадқиқотнинг объекти. Ушбу битирув малакавий ишининг объекти бўлиб, божхона соҳасидаги божхона расмийлаштируви билан боғлиқ бўлган миллий қонунчилик ва хорижий мамлакатлар, жумладан Божхона иттифоқи ҳукукий нормалари, шунингдек божхона расмийлаштирувига доир рус олимларининг назарий материаллари ҳамда божхона расмийлаштируни тартибга солишнинг барча соҳалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Мазкур тадқиқотнинг предмети божхона расмийлаштирувига оид божхона-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда халқаро ва миллий қонунчиликда учрайдиган айрим муаммоларни бартараф этиш, божхона расмийлаштируви, жумладан декларациялаш субъектларининг муносабатга киришишдаги ҳуқуқий мақомини ўрганиш, шунингдек уларга муносабатга киришишда қулайлик ва афзалликларни яратиш ҳамда имтиёз преференцияларни жорий этиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида божхона соҳасида товар ва транспорт воситалари божхона расмийлаштируви, унда иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг муносабатга киришишдаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек халқаро миқёсда, жумладан Божхона иттифоқида божхона расмийлаштирувининг назарий ва қонунчиликда белгиланган жиҳатларини ўрганиш, мазкур соҳада қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиётини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- божхона расмийлаштируви ривожланиши ва унинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- божхона расмийлаштирувининг божхона-ҳуқуқий муносабатларидан тутган ўрни ва аҳамияти, товар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона расмийлаштирувида соддалаштирилган тартибни қўллаш хусусиятларини илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- божхона расмийлаштирувини тартибга солишга қаратилган миллий қонунчилик нормаларини таҳлил этиш ва уларда мавжуд бўлган бўшлиқлар ва ноаниқлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан амалий такликлар ишлаб чиқиш;
- декларациялаш жараёнининг ҳуқуқий асослари ва декларациялашда иштирок этувчи субъектлар ҳуқуқий мақоми ва муносабатга киришишдаги аҳамиятини таҳлил қилиш;
- божхона расмийлаштирувини халқаро доирада, жумладан Божхона иттифоқида амалга оширишнинг ҳуқуқий ва назарий асослари, хусусиятлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилик нормалари билан ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлил этиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Мазкур битирув малакавий иши тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан бўлиб, мавзунини ўрганиш мантиғига мос келади. Мазкур тадқиқот иши кириш, 6 параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. ТОВАР ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ.

1.1. Товар ва транспорт воситалари божхона расмийлаштируви ва уни амалга ошириш тартибининг ҳуқуқий асослари.

Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари товар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтишда турлича божхона-ҳуқуқий муносабатларга, жумладан товар ва транспорт воситасини божхона расмийлаштирувидан ўтказишга доир бўлган ҳуқуқий муносабатларга ҳам киришадилар.

Алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, божхона ҳуқуқи ва божхона иши Ўзбекистон Республикасида янги ва эндигина ривожланиб бораётган ҳуқуқ соҳаси бўлиб, мазкур соҳада ҳали етарлича илмий ишлар ва илмий ўқув-адабиётлар яратилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, божхона ҳуқуқи ва божхона ишига оид маълумотларнинг ҳуқуқий асослари миллий қонунчилигимизнинг қатор нормалари, назарий асослари эса чет эл, жумладан Россия Федерациясининг ҳуқуқшунос олимлари ва изланувчилари томонидан баён қилинади.

Фикримча, ҳозирга қадар божхона расмийлаштируви тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мазмуни божхона ҳуқуқи соҳасидаги илмий ишлар⁴да ҳали етарли даражада тўлиқ ёритилмаган ва ўрганиб чиқилмаган.

Тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатадики, мазкур тушунча бир қанча чет эллик изланувчи ҳуқуқшунос олимлар томонидан кўплаб илмий мақолалар ва нашрларда турлича талқин қилинади, бу эса ўз ўрнида ушбу тушунчанинг талқини юзасидан баҳс-муҳокамага сабаб бўлади. Масалан, божхона расмийлаштируви К.А. Бекашев ва Е.Г. Моисеевнинг талқинида “божхона расмийлаштируви – божхона чегарасидан товар ва (ёки) транспорт воситасини олиб ўтишда амалга ошириладиган ҳуқуқий расмийлаштирув”⁵ дея таъриф берилса, С.И. Истомин ва А.А. Магера божхона расмийлаштируви деганда, товар ва транспорт воситаларини Россия Федерацияси божхона чегарасидан олиб ўтишда Россия Федерациясининг Божхона кодекси ва унинг қонуности нормалари билан ўрнатилган ҳаракатлар тартиби⁶ эканлигини таъкидлайдилар. И.В. Тимошенконинг фикрича, божхона расмийлаштируви – бу божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда Россия Федерациясининг божхона-ҳуқуқий нормаларига риоя этилишини Россия божхона органлари томонидан таъминлашга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир⁷. А.М. Лушников эса қолганларга нисбатан бошқачароқ

⁴ Еремин В.В. Таможенное оформление как институт российского таможенного права / автореф. дисс. к.ю.н. Саратов, 2007.

⁵ Бекашев К.А., Моисеев Е.Г. Таможенное право. Учебник. 2-е изд. М.: Проспект, 2008. Стр. 103.

⁶ Таможенное право. Курс лекций; в 2 томах. Том 2. Особенная часть / Под ред. В.Г.Драганова, науч. рук. М.М. Рассолов. М.: «Экономика», 1999. Стр. 85.

⁷ Тимошенко И.В. Таможенное право России. Ростов на-Дон.: «Феникс», 2001. Стр. 306.

таъриф келтирган бўлиб, унинг таъбирича⁸, божхона расмийлаштируви – бу шундай процедурами, у ўзида танланган режим остида ва бу режим тугагунга қадар товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш (олиб кириш ва олиб чиқиш)ни ифодалайди. Бир сўз билан айтганда, божхона расмийлаштируви турли муаллифлар томонидан ҳар хил тушунилади ва “ҳуқуқий расмийлаштирув”, “ҳаракатлар тартиби”, “ҳаракатлар мажмуи” ёки “процедура” сифатида баён этилади.

Фикримча, божхона расмийлаштируви тушунчаси унинг характерини ифодаловчи қуйидаги белгиларни ўзида мужассамлаштиради:

- **моҳият белгиси:** божхона расмийлаштируви – бу фаолияти, яъники, қатъий белгиланган формада кетма-кетликда амалга оширилувчи ҳаракатлар, шунингдек процедура;

- **қўшимча белгилари:**

а) давлатнинг божхона органлари томонидан амалга оширилувчи фаолияти тури;

б) давлатнинг божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш (олиб кириш ва олиб чиқиш) муносабатлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилувчи фаолият тури;

в) кўрсатилган товар ва транспорт воситаларини танланган божхона режими остида жойлаштириш ва мазкур режим тугагунга қадар амалга оширилувчи фаолият тури;

г) давлатнинг божхона иши соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган фаолият тури.

Демак, юқорида келтирилган таъриф ва белгилардан келиб чиққан ҳолда шунини айтиш мумкинки, божхона расмийлаштируви ўзида давлатнинг божхона органлари фаолиятини ифодаловчи, кетма-кетликда амалга оширилувчи, давлатнинг божхона иши соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий актлари асосида белгиланган божхона режими остида товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш билан боғлиқ бўлган фаолият, процедура, ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида божхона ҳуқуқи соҳасига оид ҳуқуқий адабиётлар ҳали тўла яратилмаганлиги сабабли *божхона расмийлаштируви* тушунчаси фақатгина миллий қонунчилик, жумладан амалдаги Божхона кодексининг (кейинги ўринларда Божхона кодекси) 21-моддаси 3-қисмида ифодаланган бўлиб, унга кўра божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш учун божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан ўтказиладиган божхона операциялари мажмуи **божхона расмийлаштируви** ҳисобланади.

⁸ Лушников А.М. Таможенное право. Учебно – методический комплекс. Ярославль: МуБиНТ, 2004. Стр. 33.

Келтирилган таърифдан шу келиб чиқадики, божхона расмийлаштируви ўзида Божхона кодекси, давлатнинг бошқа қонунчилик актлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан чиқариладиган қонуности норматив ҳужжатлари билан ўрнатиладиган ҳаракатлар тартибини мужассамлаштиради. Қонунчиликда божхона расмийлаштируви тушунчасига келтирилган таъриф Ўзбекистон Республикасининг аввалги таҳрирдаги Божхона кодексида ҳам айнан, сўзма-сўз келтирилган эди.

Шунинг баробарида, божхона расмийлаштируви товар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтишда амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ўрнатилган тартибга божхона чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний ва юридик шахслар риоя қилишини таъминлаш юзасидан божхона органлари мансабдор шахслари томонидан амалга ошириладиган фаолиятни ҳам англатади. Божхона расмийлаштируви бир вақтнинг ўзида божхона назорати билан биргаликда олиб борилади ҳамда ўзида товар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан танланган божхона режими остида олиб ўтишда уларга нисбатан божхона тариф ва нотариф бошқарув чораларини қўллашга риоя этилишини ҳам ифодалайди.

Менинг фикримча, рус олимлари томонидан келтирилган ва миллий қонунчиликда ифодаланган божхона расмийлаштируви тушунчаси шунча сайқаллаштирилган бўлса-да, тўлалигача мазмунан очиб берилмаган. Чунки мазкур келтирилган таърифда божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситаларига нисбатан фақат божхона органи мансабдор шахслари томонидан амалга ошириладиган операциялар мажмуи ифодаланмоқда, лекин божхона расмийлаштирувини божхона-ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури сифатида ҳисобга оладиган бўлсак, товар ва транспорт воситасига нисбатан ваколатли шахс ҳам бевосита божхона расмийлаштирувида катнашади. Шундан келиб чиққан ҳолда божхона расмийлаштируви тушунчасига нисбатан қуйидаги таърифни илгари суришни таклиф қиламан: *божхона расмийлаштируви* – божхона-ҳуқуқий муносабатлардан бири бўлиб, божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда декларант ва божхона органи ходими томонидан биргаликда амалга ошириладиган операциялар мажмуи ҳисобланади.

Божхона расмийлаштирувининг асосий мақсади товар ва транспорт воситаларини белгиланган божхона режими остида олиб ўтиш ҳисобланади. Бу жараёнда божхона назорати ҳам биргаликда амалга оширилади.

Божхона фаолиятининг барча турларида бўлгани сингари божхона расмийлаштирувининг ҳам ўзига хос умумий қоидалари мавжуд. ***Божхона расмийлаштирувининг умумий қоидалари*** – бу мустақил ҳуқуқий категория бўлиб, ўзида божхона расмийлаштирувининг ташкилий-ҳуқуқий характерини, божхона

*расмийлаштирувини амалга ошириш жойи, вақти ҳамда божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни ифодалайди.*⁹

Алоҳида мустақил ҳуқуқий категория сифатида божхона расмийлаштирувининг умумий қоидалари ўзининг Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида белгиланган ҳуқуқий асосларига эга ва шунинг баробарида ўзида қонунчиликда ўрнатилган талабларни намоён этади. Божхона расмийлаштирувининг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда божхона органлари томонидан қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Кўплаб юридик ўқув адабиётларида божхона расмийлаштирувининг умумий қоидалари ва божхона ҳуқуқининг принципларига нисбатан айнан бир хил маънони англатади деб қараш нотўғри эканлиги келтирилган¹⁰.

Божхона расмийлаштирувининг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг VI бўлими 36-боби 246-251-моддаларида баён этилган бўлиб, мазкур умумий қоидаларни етарлича кенгайтирилган талкинда баён этилганлигини ҳисобга олган ҳолда уларни ўқув мақсадлари учун алоҳида классификацияланган гуруҳларга ажратиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қоида тариқасида, божхона расмийлаштирувининг умумий қоидаларини шартли классификацияланган 5 гуруҳга ажратиш мумкин.¹¹

- 1) божхона расмийлаштирувини амалга ошириш давомийлиги (Божхона кодекси 247-моддаси);
- 2) божхона расмийлаштирувини амалга ошириш вақти ва жойи (Божхона кодекси 247-моддаси);
- 3) божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар (Божхона кодекси 249-моддаси);
- 4) божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимини ундириш (Божхона кодекси 291-моддаси);
- 5) манфаатдор шахсларни божхона расмийлаштирувига жалб қилиш (Божхона кодекси 250-моддаси);
- 6) божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган тартиби (Божхона кодекси 251-моддаси).

Умумий қоидаларнинг биринчи гуруҳига божхона расмийлаштирувининг бошланиши ва тугалланиши тўғрисидаги қоидалари киритилади.

⁹ Малиновская В.М. Таможенное право России / В.М. Малиновская // Учебник по публичному и частному праву в 2-х томах. Том 1: Публичное право. – М.: Статут, 2008. Стр. 28.

¹⁰ Бекашев К.А., Моисеев Е.Г. Таможенное право : учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Проспект, 2010. Стр. 103-108.

¹¹ Таможенное право : учебник для бакалавров / В.Н. Сидоров. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2013. Стр. 100.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг 248-моддасига асосан, божхона расмийлаштируви божхона органига товарлар ва (ёки) транспорт воситалари хусусида ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан, жисмоний шахслар томонидан товарлар нотижорат мақсадларида олиб кирилганида эса, оғзаки маълум қилинган ёхуд жисмоний шахснинг божхона расмийлаштирувини амалга ошириш ниятидан далолат берувчи бошқа ҳаракатлар бажарилган пайтдан эътиборан бошланади.

Божхона расмийлаштируви божхона органи ва декларант ёхуд ваколатли шахс ўртасидаги товарларни божхона режимига жойлаштириш ва (ёки) божхона режимининг амал қилишини тугаллаш, божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ёхуд Божхона кодексида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тартибга солинганидан кейин тугалланади¹².

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 248-моддасига асосан, божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви:

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ветеринария, фитосанитария назорати, экологик назорат ва бошқа турдаги давлат назорати амалга оширилганидан кейин;

- агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, мазкур ҳужжатларнинг мавжудлиги тасдиқланганидан кейин тугалланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товар ва транспорт воситалари божхона расмийлаштируви ветеринария, фитосанитария назорати, экологик назорат ва бошқа турдаги давлат назоратлари амалга оширилганидан сўнг тамомланиши мумкинлиги баён этилди ва бу ўз ўзидан мазкур назорат тартиблари маълум бир қонунчилик актлари билан тартибга солинган ҳолда амалга оширилишини англатади. Демак, мазкур назоратларнинг амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонуни, “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги Низом, “Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экологик сертификациядан ўтказиш ва экологик хавфли маҳсулотлар ҳамда чиқиндиларни унинг ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқишни бошқариш Тартиби”, “Давлат ветеринария назорати остидаги юкларни экспорти, импорти ҳамда транзитида ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ташиш қоидалари”, “Ўзбекистон Республикасининг

¹² Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (янги таҳрири). 248-модда. 2-қисми (*Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами*, 2016 й., 3(II)-сон, 31-модда).

давлат чегарасидан ўтиш пунктларида тиббий назорат (санитария назорати) тўғрисидаги” Низом талаблари асосида амалга оширилади.

Товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни текшириш божхона декларацияси қабул қилинган ва барча зарур ҳужжатлар ҳамда маълумотлар тақдим этилган кундан эътиборан уч иш куни ичида божхона органи томонидан амалга оширилади. Бу муддат бошқа давлат органлари томонидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари юзасидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган вақтни ўз ичига олмайди.

Умумий қоидаларнинг иккинчи классификацияланган гуруҳи (божхона расмийлаштирувини амалга ошириш вақти ва жойи) Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 247-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра божхона расмийлаштируви божхона органлари жойлашган ерда ва уларнинг иш вақтида амалга оширилади. Божхона расмийлаштируви декларантнинг ёки бошқа ваколатли шахснинг сўровига кўра ва унинг ҳисобидан бошқа жойларда ҳамда божхона органининг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши мумкин¹³. Божхона расмийлаштирувининг божхона органлари жойлашган ерларда эмас, балки бевосита ўз ҳудудларида ёки биноларида амалга оширилишидан манфаатдор бўлган шахслар бу органларга хизмат ва маиший биноларни, ускуналарни ҳамда алоқа воситаларини текин асосда фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этади.

Умумий қоидаларнинг учинчи гуруҳига Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Божхона кодекси 249-моддасида назарда тутилган божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш киритилади. Мазкур нормага асосан, божхона расмийлаштируви учун божхона органларига рўйхати ва топширилиш муддатлари ушбу Кодексида белгиланган ҳужжатлар ҳамда маълумотлар, яъни Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг 18-19-моддаларида назарда тутилган товар ва (ёки) транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилаётганда (шунингдек олиб чиқиляётганда) тақдим этиладиган ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кириляётганда ташувчи божхона органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт¹⁴:

1) автотранспорт воситасида халқаро ташиш чоғида:

а) автотранспорт воситасига тааллуқли қуйидаги ҳужжатларни:

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2000 йил 31 мартдаги “Товар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органлари иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартиби тўғрисида”ги 02/8-18-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 11 майда 925-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (янги таҳрири). 18-модда (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда).

- Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенцияга (Вена, 1968 йил 8 ноябрь) мувофиқ автотransпорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда чет эл автотransпорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, ҳудудидан чиқиши ва транзит тарзида ўтиши учун ваколатли органнинг рухсатномаси;
- юклар халқаро йўлларда ташиш (бундан буён матнда ХЙТ деб юритилади) дафтарчасини қўллаган ҳолда ташилган тақдирда, ХЙТ дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси (Женева, 1975 йил 14 ноябрь) талабларига мувофиқ автотransпорт воситасига юкларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида халқаро ташишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- тез бузиладиган маҳсулотлар ташилаётганда, тез бузиладиган маҳсулотларни ташиш учун автотransпорт воситасига рухсат берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- хавфли юклар ташилаётганда, хавфли юкларни ташиш учун автотransпорт воситасига рухсат берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

б) товарга тааллуқли қўйидаги ҳужжатларни:

- Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция (Женева, 1956 йил 19 май) талабларига мувофиқ товар-транспорт юк хати;
- юклар ХЙТ дафтарчаси қўлланилган ҳолда ташилган тақдирда, ХЙТ дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясига (Женева, 1975 йил 14 ноябрь) мувофиқ ХЙТ дафтарчаси;
- тижорат ҳужжатлари;
- халқаро почта жўнатмаларини кузатиб бориш учун Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар;

в) автотransпорт воситаси ва товарга тааллуқли бўлган ҳужжатларда кўрсатилиши керак бўлган қўйидаги маълумотларни:

- ташувчининг номи ва почта манзили;
- ташиш учун товар қабул қилинадиган жой (мамлакат) ва етказиб берилиши мўлжалланган жой (мамлакат);
- товарлар жўнатган мамлакатнинг ва товарлар келиб тушадиган мамлакатнинг номи;
- товарларни жўнатувчининг ва олувчининг номи ҳамда почта манзили;
- Умумжаҳон божхона ташкилотининг Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимига мувофиқ товарларнинг номи ва камида олтига белги даражасидаги кодлари, бундан халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари мустасно;

- товарнинг ҳар бир кўрсатилган коди бўйича товарларнинг брутто оғирлиги (килограммларда) ва фактура қиймати;
- юк жойларининг сони;
- контейнерларнинг идентификация рақамлари;

2) сув транспортида халқаро ташиш чоғида:

а) қуйидагиларни:

- умумий декларация;
- товарларнинг декларацияси;
- кема ашё-анжомлари тўғрисидаги декларация;
- кема экипажининг шахсий буюмлари тўғрисидаги декларация;
- кема хизматчиларининг рўйхати;
- йўловчилар рўйхати;
- транспорт ҳужжатлари;
- тижорат ҳужжатлари;
- халқаро почта жўнатмаларини кузатиб бориш учун Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар;

б) сув транспортига тегишли ҳужжатларда кўрсатилиши керак бўлган қуйидаги маълумотларни:

- кеманинг рўйхатдан ўтказилганлик рақами ва миллий мансублиги;
- кеманинг номи;
- капитаннинг фамилияси;
- кема агентининг фамилияси ва манзили;
- кемадаги йўловчиларнинг сони, фамилияси, исми, фуқаролиги (мансублиги), туғилган санаси ва жойи, чиқиш ва тушиш порти;
- экипаж аъзоларининг сони ва таркиби;
- кема жўнайдиган портнинг ва кирадиган портнинг номи;
- Умумжаҳон божхона ташкилотининг Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимига мувофиқ товарларнинг номи ва камида олти белги даражасидаги кодлари, бундан халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари мустасно;
- товарнинг ҳар бир кўрсатилган коди бўйича товарларнинг брутто оғирлиги (килограммларда) ва фактура қиймати;
- юк жойларининг сони;
- товарлар юкланган портнинг ва тушириладиган портнинг номи;
- коносаментларнинг ёки ушбу портда туширилиши лозим бўлган товарларга доир денгиз (дарё) орқали ташиш шартномаси мавжудлигини ва унинг мазмунини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг рақамлари;
- бортда қоладиган товарлар тушириладиган портларнинг номи;

- кема ашё-анжомларининг миқдори кўрсатилган ҳолда уларнинг номи;
- товарларни кемада жойлаштириш тавсифи;

3) ҳаво транспортида халқаро ташиш чоғида:

а) Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияга (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь) мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни:

- бош декларация;
- юк қайдномаси;
- авиа юк хати;
- авиа юк хатига илова қилинадиган тижорат ҳужжатлари. Товар туркумлаб ташилган тақдирда мазкур ҳужжатлар товарнинг биринчи туркумига тақдим этилади;
- халқаро почта жўнатмаларини кузатиб бориш учун Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар;

б) ушбу банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган ҳужжатларда кўрсатилиши керак бўлган қуйидаги маълумотларни:

- ҳаво кемасининг миллий мансублиги белгиларини ва рўйхатдан ўтказилганлик белгиларини кўрсатиш;
- ҳаво кемасининг рейс рақами, парвоз йўналишини, учиш пунктини, етиб бориш пунктини кўрсатиш;
- ҳаво кемаси эксплуатантининг номи;
- экипаж аъзоларининг сони;
- Умумжаҳон божхона ташкилотининг Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимида мувофиқ товарларнинг номи ва камида олти белги даражасидаги кодлари, бундан халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари мустасно;
- авиа юк хатининг рақами, авиа юк хати ва товар туркуми бўйича ўринларнинг сони;
- товар жўнатиладиган ва етиб борадиган пунктларнинг номи;
- парвоз қиладиган ҳаво кемасининг бортига юкланадиган борт ашё-анжомларининг сони (ҳар бир товарнинг сони ва номи);
- ҳаво кемаси бортида халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларининг мавжудлиги;
- товарнинг ҳар бир кўрсатилган коди бўйича товарларнинг брутто оғирлиги (килограммларда) ва фактура қиймати;

4) темир йўл транспортида халқаро ташиш чоғида:

а) Халқаро темир йўл юк йўналишлари тўғрисидаги битимга (1951 йил 1 ноябрь) мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни:

- товарнинг кузатув ҳужжатлари;

- темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибига доир топшириш қайдномаси;
- халқаро почта жўнатмаларини кузатиб бориш учун Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар;

б) темир йўл транспортига тааллуқли ҳужжатларда кўрсатилиши керак бўлган қуйидаги маълумотларни:

- товарни жўнатувчининг номи ва почта манзили;
- товарни олувчининг номи ва почта манзили;
- товар жўнатиладиган станциянинг ва етиб борадиган станциянинг номи;
- Умумжаҳон божхона ташкилотининг Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимига мувофиқ товарларнинг номи ва камида олти белги даражасидаги кодлари, бундан халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари мустасно;
- товарнинг ҳар бир кўрсатилган коди бўйича товарларнинг брутто оғирлиги (килограммларда) ва фактура қиймати;
- юк жойларининг сони;
- контейнерларнинг идентификация рақамлари.

Товар ва транспорт воситаларини олиб кириладиганда божхона органига тақдим этиладиган ҳужжатлар давлат тилида ёки халқаро ташишларда қўлланиладиган бошқа тилларда тақдим этилади. Халқаро ташишларда қўлланиладиган бошқа тилларда тақдим этилган ҳужжатлар, зарур ҳолларда, давлат тилига таржима қилиниб, ташувчи томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар олинишини талаб этадиган товарларга ва (ёки) транспорт воситаларига нисбатан божхона органи бундай ҳужжатнинг божхона органларининг ахборот тизимида мавжудлигини мустақил равишда текширади. Товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кириладиганда божхона органи ушбу моддада назарда тутилганидан бошқа ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилишга ҳақли эмас. Товарларнинг божхона расмийлаштируви божхона органларининг ахборот тизимидаги тўловчининг шахсий ҳисобварағи бўйича божхона тўловлари тўланганлиги (божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашга муҳлат берилган ҳоллар бундан мустасно) тўғрисидаги, хизмат кўрсатувчи банклар (ғазначиликлар) томонидан тақдим этиладиган маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Тегишли божхона режимига жойлаштириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар олинишини талаб этувчи товарларнинг божхона расмийлаштируви амалга ошириладиганда божхона органи божхона органларининг ахборот тизимида бундай ҳужжатнинг мавжудлигини текширади. Божхона органларининг ахборот тизимида тегишли рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда

божхона органлари божхона расмийлаштирувини рад этиш ҳуқуқига эга. Божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим.

Умумий қоидаларнинг тўртинчи гуруҳига Божхона кодексининг 291-моддасида назарда тутилган божхона расмийлаштирувини амалга оширганлик учун божхона йиғимларини ундириш тўғрисидаги қоидалар киради. Қоида тариқасида, божхона расмийлаштирувини амалга оширганлик учун маълум миқдорда *божхона йиғимлари*¹⁵ ундирилади.

Умумий қоидаларнинг бешинчи гуруҳи ўзида Божхона кодексининг 250-моддасида назарда тутилган божхона расмийлаштирувини амалга оширишда ваколатли шахсларни жалб қилишни ифодалаб, унга кўра ваколатли шахслар товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви амалга оширилаётганда ҳозир бўлишга ҳамда божхона расмийлаштирувини амалга оширишда божхона органларининг мансабдор шахсларига кўмаклашишга ҳақли, божхона органининг талабига кўра эса ҳозир бўлиши ва кўмаклашиши шарт.

Умумий қоидаларнинг олтинчи гуруҳи ўзида Божхона кодексининг 251-моддасида назарда тутилган *айрим товарларга нисбатан божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган тартибини* қўллашни назарда тутди ва бу ҳақида кейинги режамизда тўхталиб ўтамиз.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2000 йил 31 мартдаги “Товар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органлари иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартиби тўғрисида”ги 02/8-18-сон Қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 11 майда 925-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*).

1.2.Божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар ва алоҳида турдаги товарлар божхона расмийлаштирувининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган Божхона кодексига мувофиқ товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар алоҳида боб шаклида келтирилган эди, ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-400-сонли Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Божхона кодексида эса божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар алоҳида ягона боб ёки бўлим сифатида эмас, балки айрим бобларнинг таркибий қисмлари сифатида ифодаланган.

Мазкур икки норманинг ўзаро қулайлик ва афзаллик томонларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, аввалги таҳрирдаги Божхона кодексида *товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операцияларнинг* алоҳида боб тарзида ифодаланиши Божхона кодексида мазкур нормаларнинг ифодаланишига қараганда анча кенгроқ ва тушунарлироқ эди. Шунинг баробарида айтиш лозимки, Божхона кодексига ўзгартириш киритиб, *товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операцияларни* алоҳида боб сифатида ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлади ҳамда мазкур ўзгартириш божхона чегарасидан товар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахслар, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига яна ҳам аниқроқ маълумотларни олиш имконини вужудга келтиради.

Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар қуйидагиларда иборат бўлади:

- божхона чегарасининг кесиб ўтиш тўғрисида ёки товарлар ва транспорт воситаларини божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш нияти борлиги тўғрисида божхона органларини хабардор қилиш;
- товарлар, транспорт воситалари ҳамда уларга тегишли бўлган ҳужжатларни божхона органи белгилайдиган жойга келтириш;
- етиб келганлик тўғрисида хабар бериш ҳамда товарлар ва транспорт воситаларини етказиб келтирилган жойда кўрсатиш;
- қисқа декларациялаш.

Демак, юқорида келтирилган божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операцияларга бирма-бир тўхталадиган бўлсак, *божхона чегарасининг кесиб ўтиш тўғрисида ёки товарлар ва транспорт воситаларини божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш нияти борлиги тўғрисида божхона органларини хабардор қилиш* қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- божхона ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини олиб киришда, шу жумладан эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудидан товарлар ва транспорт воситаларини олиб киришда ташувчи божхона чегарасини кесиб ўтиш тўғрисида божхона органини хабардор қилади.
- товарлар ва транспорт воситалари божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиганда товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахс бу товарлар ва транспорт воситаларини олиб чиқиш нияти тўғрисида божхона органларини олдиндан хабардор қилади. Божхона органи хабарномани қайд этади ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун товарлар ҳамда транспорт воситалари келтирилиши лозим бўлган вақт ва жойни тайин қилади. Агар товарларни олиб ўтувчи шахс ушбу хабарни етказмаса, бу вазифа ташувчи зиммасига юклатилади.
- мазкур тартибда божхона органларини хабардор қилиш шартлари Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида жойлашган порт ёки аэропортда тўхтамай божхона ҳудудини кесиб ўтадиган денгиз, дарё ва ҳаво кемаларига нисбатан қўлланилмайди¹⁶.

Товарлар, транспорт воситалари ҳамда уларга тегишли бўлган ҳужжатларни божхона органи белгиладиган жойга келтириш шартлари бўйича божхона чегарасининг кесиб ўтиш тўғрисида ёки товарлар ва транспорт воситаларини божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш нияти борлиги тўғрисида божхона органларини хабардор қилиш ҳақидаги хабарнома берилганидан кейин ташувчи Божхона кодекси ва божхона тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда товарлар, транспорт воситалари ва уларга тегишли ҳужжатларни божхона органи белгилаган жойга етказиб келтириши ва келганидан кейин шу жойда туриши шарт¹⁷. Ушбу норма Божхона кодексида мазкур ҳаракатларини бевосита божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахслар зиммасига мажбурият юклашни назарда тутди, агар божхона органларини хабардор қилиш ҳаракатлари товар транспорт воситаларига нисбатан ваколатли шахс томонидан амалга оширилмаса, бу ҳолда ушбу мажбурият ташувчининг зиммасига юклатилади.

Божхона чегарасини кесиб ўтмоқчи ёки божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилмоқчи бўлган товар ва транспорт воситалари бу ҳақида хабарнома бериб, божхона органлари томонидан кўрсатилган жойга етказиб келтирилганидан кейин товарлар ва транспорт воситалари етказиб келтирилган жойда божхона органига кўрсатилади, уларга тегишли ҳужжатлар эса, топширилади. Кўрсатиш товарлар ва транспорт воситалари келтирилганидан кейин кечи билан 30 минут ичида, товарлар

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири). 17-модда. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. 85-модда. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси*, 1998 й., 2-сон, 36-модда.

ва транспорт воситалари божхона органининг иш вақтидан ташқари пайтда етказиб келтирилган тақдирда, божхона органининг иш вақти бошланганидан кейин кўпи билан 30 минут ичида улар келтирилганлиги ҳақида хабар қилишдан иборатдир.

Божхона органининг талабига биноан кўрсатилган товарлар ва транспорт воситалари амалда ана шу органга тақдим этилади. Товарлар кўрсатилганидан кейин товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар товарларни божхона режимига жойлаштириш мақсадида божхона органининг рухсати билан улардан намуналар ва нусхалар олишлари мумкин. Тайин қилинган жойга божхона органининг иш вақтидан ташқари пайтда келтирилган товарлар ва транспорт воситалари божхона назорати зонасида жойлаштирилади. Етиб келганлик тўғрисида хабар бериш ҳамда товарлар ва транспорт воситаларини етказиб келтирилган жойда кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатлар ёки ҳолатлар оқибатида вужудга келган харажатлар ташувчининг ўз ҳисобига ёзилади ва божхона органлари томонидан қопланмайди.

Товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялардан яна бири *қисқа декларациялаш* бўлиб, товарлар ва транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунига қадар қисқа декларация¹⁸ қўлланилиши мумкин.

Божхона органининг рухсати билан қисқа декларация сифатида транспорт, тижорат ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлардан, шу жумладан халқаро ташишларни амалга ошириш чоғида қўлланиладиган, чет тилларда тузилган ҳужжатлардан фойдаланилиши мумкин. Қисқа декларация ташувчи томонидан товарлар ва транспорт воситаларини кўрсатиш билан бир вақтда ёки божхона органининг рухсати билан товарлар ва транспорт воситалари кўрсатилганидан кейин йигирма тўрт соат ичида топширилади. Агар товарлар кўрсатилган муддат ичида муайян божхона режимига жойлаштирилса, қисқа декларация топширилмайди. Ташувчи томонидан қисқа декларация топшириш ваколати берилган шахс бўлмаса, капитан, ҳайдовчи ёки транспорт воситасини бошқарувчи бошқа шахс божхона органлари учун шундай шахс деб ҳисобланади. Ташувчининг вакили қисқа декларацияни расмийлаштиришда божхона органларига ёрдам кўрсатиши шарт. Қисқа декларациянинг шакли ва унда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотларнинг рўйхати ва уни бериш тартиби божхона органлари томонидан белгиланади.

Божхона кодексининг 251-моддасида айрим товарларни нисбатан божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган тартиби баён этилган бўлиб, мазкур нормага асосан айрим товарлар божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. 87-модда. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда.*

- товарни жўнатувчи божхона органидан товар келиб тушадиган божхона органигача Божхона кодекснинг 222-моддасида назарда тутилган чораларни (товарни божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришни қўллаш ёки товарни божхона ташувчиси томонидан ташилиши) қўлламаган ҳолда етказиб беришни;
- товарни божхона омбори мақомига эга бўлмаган жойларга жойлаштиришни;
- товарларнинг божхона расмийлаштирувини товарлар кузатув ҳужжатларининг кўчирма нусхалари асосида амалга ошириб, кейинчалик ушбу ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этишни;
- божхона юк декларациясининг божхона расмийлаштирувида ҳужжатларни текширишни товарнинг намуналари ва нусхаларини олмаган ҳолда амалга оширишни.

Айрим товарлар божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни ҳам ўз ичига олиши мумкин¹⁹.

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган, авариялар ёки енгиб бўлмас куч таъсири оқибатларини тугатиш учун зарур бўлган товарларнинг, шунингдек инсонпарварлик ёрдами сифатида юбориладиган товарларнинг, тез бузиладиган товарларнинг, тирик ҳайвонларнинг, радиоактив материалларнинг божхона расмийлаштируви биринчи навбатда ва соддалаштирилган тартибда амалга оширилади. Шунингдек, эркин божхона зоналари ва эркин омборларга олиб кириладиган ёки уларнинг ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви соддалаштирилган тартибда амалга оширилиши мумкин²⁰.

Юқорида келтирилганидек, Ўзбекистон Республикасида айрим турдаги товарларга нисбатан божхона расмийлаштирувига нисбатан соддалаштирилган тартибнинг қўлланилиши божхона тўғрисидаги бир қанча қонун ҳужжатлар билан тартибга солинади, лекин қонунчиликда айнан қайси товарларга нисбатан божхона расмийлаштирувида соддалаштирилган тартибнинг қўлланилиши алоҳида категория ёки рўйхат сифатида келтирилмаган. Шундан келиб чиққан айтиш лозимки, божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида айнан қайси товарларга нисбатан божхона расмийлаштирувида соддалаштирилган тартибнинг қўлланилишини ифодаловчи алоҳида рўйхат (перечень) жорий этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги ПФ-1162-сонли “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 майдаги 172-сон “Электр энергиясини декларациялашни соддалаштириш тўғрисида”ги Қарори.

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. 81-модда (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда).

I боб юзасидан хулоса.

Мазкур бобда божхона расмийлаштирувининг тушунчаси назарий жиҳатлари ва унинг амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ёритиб берилган бўлиб, божхона расмийлаштируви тушунчаси ва уни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларнинг назарий жиҳатларини асосан хориж, жумладан Россия Федерациясининг божхона ҳуқуқи манбаларига таянган ҳолда очиб берилди.

Шунингдек, божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар божхона расмийлаштируви жараёнининг муҳим бир босқичларидан бири бўлиб, бир сўз билан айтганда, “расмийлаштирув” тушунчасининг мазмун-моҳияти айнан шу дастлабки операцияларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ушбу бобда келтирилган ҳуқуқий ва назарий асосларни инобатга олган ҳолда божхона тўғрисидаги қонунчилик, хусусан божхона расмийлаштирувини янада такомиллаштириш учун фикримча, қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ бўлади:

- божхона расмийлаштируви божхона-ҳуқуқий муносабатларидан бири бўлиб ва унда тарафлар (декларант ва божхона ходими) иштирок этганлиги сабабли мазкур тушунча - божхона-ҳуқуқий муносабатлардан бири бўлиб, божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда декларант ва божхона органи ходими томонидан биргаликда амалга ошириладиган операциялар мажмуи сифатида баён этилиши;
- аввалги таҳрирдаги Божхона кодексида божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар алоҳида боб сифатида ифодаланганлиги ҳозирда амалда бўлган Божхона кодексига нисбатан анча тушунарлироқ ва қулайлик томонлари кўп бўлганлиги сабабли Божхона кодексига ўзгартириш киритилиб, божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар қайта боб ёки параграф сифатида баён этилиши;
- божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида айнан қайси товарларга нисбатан божхона расмийлаштирувида соддалаштирилган тартибнинг қўлланилиши аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли аниқ белгиланган товарларга нисбатан божхона расмийлаштирувида соддалаштирилган тартибнинг қўлланилишини ифодаловчи алоҳида Рўйхат (перечень) ишлаб чиқилиши;
- Ўзбекистон Республикаси божхона ҳуқуқи эндиgina тараққий этиб бораётганлигини инобатга олиб, мазкур соҳада ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимлар ва илмий-тадқиқотчилар томонидан назарий адабиётлар деярли ишлаб чиқилмаганлиги сабабли божхона ҳуқуқининг назарий асослари (дарслик, ўқув-қўлланма, мажмуа ва бошқа ёрдамчи материаллар) яратилиши лозим.

II БОБ. БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИДА ТОВАР ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ АСОСЛАРИ.

2.1. Товар ва транспорт воситаларини декларациялаш тушунчаси, жекларациялаш шакллари ва тартиби.

Декларациялаш (лотинча “declaratio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “кўрсатиш”, “баён қилиш”²¹ маъноларини англатади)– божхона расмийлаштирувининг асосий ва мажбурий босқичи ҳисобланиб, ўзида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона декларацияси орқали товар ва транспорт воситаси, танланган божхона режими ва бошқа зарур маълумотларни божхона мақсадлари учун ифодалашни назарда тутди²². Товар ва транспорт воситаларини декларациялаш замирида божхона чегараси орқали кесиб ўтаётган товар ва транспорт воситалари, улар жойлаштирилган божхона режими ҳамда товар ва транспорт воситасига тегишли бўлган бошқа керакли маълумотлар ётади.

Декларациялаш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабат субъектлари бўлиб, *бир томондан* – давлатнинг божхона органлари, *иккинчи томондан* – декларант ва бошқа шахслар ҳисобланади. Декларациялаш объекти сифатида *товар ва транспорт воситалари* қаралади. Транспорт воситаси бир вақтнинг ўзида, яъни декларацияда кўрсатилишига қараб, ҳам товар, ҳам товарларни ташувчи транспорт воситаси ҳисобланади²³. Товар ва транспорт воситаларини декларациялаш Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товар транспорт воситаларини олиб ўтишнинг (олиб кириш ва олиб чиқиш) асосий шартларидан бири ва божхона расмийлаштирувининг асосий элементи ҳисобланади²⁴.

Товар ва транспорт воситаларини декларациялаш — божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган ва (ёки) божхона назорати остида турган товарлар ва (ёки) транспорт воситалари тўғрисидаги зарур маълумотларни божхона органларига маълум қилиш²⁵.

Товар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг 37-бобида белгиланган (252-270-моддалар). Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги Божхона кодексида товар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартиби 9-бобда (89-97-моддалари) акс эттирилган эди, мазкур икки норманинг ўзаро қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қиладиган бўлсак, Божхона кодексида декларациялаш тартиби аввалгисига нисбатан анча мукамал ва кенг қамровли қоидаларни ўз ичига олган. Ўзбекистон Республикасининг божхона

²¹ Дворецкий И.Х. Латинско-русский словарь. – 7-изд., стер. М.: Русский язык, 2002. Стр. 224

²² Таможенное право : курс лекций / О.Ю. Бакаева, Г.В. Матвиенко. – М.: РАП, Эскмо, 2009. Стр. 103.

²³ Тимошенко И.В. Таможенное право России. Курс лекций; в 2 томах. Том 2. Особенная часть. / под ред. А.Ф. Ноздрачева. Ростов на-Дон: «Феникс», 2001. Стр. 116.

²⁴ Таможенное право: Учебное пособие / Под.ред. В.Г. Драганова, М.М. Рассолова – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. Стр. 223-224.

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири). 15-модда. 1-қисм. 8-банд (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(II)-сон, 31-модда).

тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига асосан божхона чегарасидан кесиб ўтувчи товар ва транспорт воситаларини декларациялаш *оғзаки, ёзма ва электрон* усулларда амалга оширилади.

Божхона органлари фаолияти амалиётида декларациялашнинг *ёзма* шакли кенг учрайди. Шунингдек, декларациялашнинг ёзма шаклидан ташқари *оғзаки* шакли ҳам қўлланилиб, мазкур шакл қоида тариқасида, жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси кесиб ўтилган вақтда қўл ва багаж юklarини декларациялашда фойдаланилади. Декларациялашнинг кейинги шакли – *электрон шакл* ҳисобланиб, ушбу шаклда божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситалари олиб ўтиляётганда улар тўғрисидаги зарурий маълумотлар электрон шаклда божхона органига интернет тизими орқали юборилади²⁶.

Божхона кодексида товарларни декларациялашнинг қуйидаги усуллари назарда тутилади:

Товарларни декларациялаш:

а) жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадлардаги, қиймати ва миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган божсиз олиб кириш нормаларидан ва акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормаларидан ошмайдиган товарлари декларацияланаётганда — *оғзаки* шаклда;

б) йўловчи божхона декларациясидан фойдаланилган ҳолда:

- жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадлардаги, қиймати ва миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган божсиз олиб кириш нормаларидан ва акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормаларидан ошадиган товарларининг;
- жисмоний шахснинг яшаш жойи ўзгарганда (аввалги яшаш жойидан ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида қайд мавжуд бўлган ҳолда) унинг шахсий мол-мулки бўлган товарларнинг, бундан автотранспорт воситалари мустасно;
- чет эллик ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадларда олиб кириладиган ҳамда олиб чиқиладиган транспорт воситаларининг;
- Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ва валюта бойликларининг;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли тақиқлар ва (ёки) чекловлар белгиланган товарларнинг;

в) божхона юк декларациясидан фойдаланилган ҳолда:

юридик шахслар учун ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар учун товарларнинг (мазкур норма юридик шахслар учун ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар учун қиймати энг кам ойлик иш

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрда 376-сон Қарори билан тасдиқланган “Товарларни божхонада электрон тарзда декларациялаш тартиби тўғрисида”ги Низом. 2-банд.

ҳақининг ўн бараваригача бўлган товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишга нисбатан қўлланилмайди);

жисмоний шахсларнинг тижорат мақсадларидаги товарларининг;

жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадларидаги транспорт воситаларининг, (мазкур норма агар чет эллик жисмоний шахс томонидан товар ва (ёки) транспорт воситалари нотижорат мақсадларида вақтинча олиб кирилган ёки Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахслари томондан товар ва (ёки) транспорт воситалари нотижорат мақсадларида вақтинча олиб чиқилган тақдирда қўлланилмайди);

жисмоний шахс кириб келишидан ёки чиқиб кетишидан олдин ёки кейин олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган, алоҳида кузатиб келинаётган бажада божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг;

г) товарнинг кузатув ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда:

юрidik шахслар учун ва юрidik шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар учун қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваригача бўлган товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда, бундан товарлар ташқи савдо контрактлари (шартномалари, келишувлари) бўйича мажбуриятларни бажариш доирасида олиб ўтиладиган ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар мустасно;

қиймати расмий айирбошлашнинг ушбу товарларни декларациялаш кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича бир минг АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги товарларни умумжаҳон Интернет тармоғида онлайн дўконлари орқали экспорт қилиш чоғида амалга оширилади.

Декларациялаш декларант²⁷нинг танловига қараб бевосита ўзи томонидан ёки божхона брокери²⁸ (вакил)²⁹ томонидан амалга оширилиши мумкин. Декларант бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 274-моддасида келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига асосан *божхона декларацияси* божхона мақсадлари учун зарур бўлган маълумотлар кўрсатиладиган ҳужжат ҳисобланиб, божхона декларациясида кўрсатилиши керак бўлган маълумотларнинг рўйхати божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш, божхона статистикасини шакллантириш ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш мақсади учун зарур маълумотлар билангина чекланади. Божхона декларациясидан божхона органлари томонидан амалга ошириладиган

²⁷ декларант — товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи шахс ёхуд унинг номидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари декларацияланаётган шахс.

²⁸ божхона брокери — божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни декларантнинг ёки ваколатли шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан шартнома асосида амалга оширадиган, тегишли рухсатнома олган Ўзбекистон Республикаси юрidik шахси.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 14 июлдаги 01-02/20-29-сонли Қарори билан тасдиқланган “Божхона брокери тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 15 сентябрда 1271-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

валюта назорати мақсадлари учун ҳисобга олиш ҳужжати сифатида фойдаланилган тақдирда, божхона декларациясида шу мақсад учун зарур бўлган маълумотлар ҳам кўрсатилиши керак. Божхона декларацияларининг шакли, уларда кўрсатиладиган маълумотларнинг рўйхати, уларни божхона органларига бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексидан фарқли равишда мазкур Кодекснинг амалдаги таҳририда божхона декларациясининг транспорт воситаси учун декларация, божхона юк декларацияси ва йўловчи божхона декларацияси алоҳида санаб ўтилди. Ушбу санаб ўтилган декларацияларнинг ҳар бири алоҳида қонуности нормалари билан тартибга солиниб, уларнинг ишлаш механизмининг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига транспорт воситаларини олиб киришда уларнинг расмийлаштируви Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2010 йил 28 октябрдаги 01-02/12-8 ва 20-сонли Қарорлари билан тасдиқланган “Божхона чегарасидан олиб ўталаётган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 19 ноябрда 2156-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*) талаблари асосида амалга оширилади ва мазкур Низом транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ҳам товар, ҳам транспорт воситаси сифатида олиб кириш шартларини белгилайди. Шунингдек, транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтишда уларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишга доир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 октябрдаги “Автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида давлат божхона хизмати органларининг электрон тарзда олдиндан хабардор қилинишини жорий этиш тўғрисида”ги 307-сонли Қарори ҳам қабул қилинган бўлиб, унга кўра мансабдор шахслар автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали (шу жумладан транзит шартларида) ўтказиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида электрон тарзда хабардор қилишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган маълумотларни давлат божхона хизмати органларига тақдим этишнинг автоматлаштирилган тизимига жаҳон Интернет ахборот тармоғи воситасида автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситалари (шу жумладан транзит шартларида) ўтказилгунгача ёки ўтказилиш вақтида жўнатишлари мумкин бўлиб,

улар томонидан давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган маълумотлар қуйидагилардан ташкил топади³⁰:

- товарлар ташилаётган автотранспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар (давлат рақами, рўйхатдан ўтказган мамлакат).
- ташувчи тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили).
- товар ташиш учун қабул қилинган жой (мамлакат) ҳамда етказиб бериш мўлжалланган жой (мамлакат) тўғрисидаги маълумотлар.
- товаржўнатишган мамлакат ҳамда товар етказиб бериладиган мамлакатнинг номи.
- товарни жўнатувчи ҳамда олувчининг номи ва манзили.
- товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизимига мувофиқ товарларнинг номи ва коди тўғрисидаги маълумотлар, камида олти белги даражасида.
- юк жойларининг сони тўғрисидаги маълумотлар.
- товарларнинг брутто оғирлиги (килограмм), шунингдек ўлчовларнинг қўшимча ўлчов бирликлари сони (ушбу маълумотлар мавжуд бўлганда), товарнинг кўрсатилган ҳар бир коди бўйича фактурадаги қиймати тўғрисидаги маълумотлар.
- контейнернинг идентификация тартиб рақами тўғрисидаги маълумотлар.
- товар билан бирга юбориладиган ҳужжатларга мувофиқ товарларни етказиб бериш пункти тўғрисидаги маълумотлар.
- товарларнинг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига етиб келиш вақти (тахминан) ва жойи тўғрисидаги ахборот.
- юklar МДП китобчалари қўлланган ҳолда ташилган тақдирда МДП китобчаларини қўллаган ҳолда юklarни халқаро ташиш тўғрисидаги Конвенцияга (Женева шаҳри, 1975 йил 14 ноябрь) мувофиқ МДП (CARNET TIR) китобчасининг тартиб рақами.

Давлат божхона хизмати органларини электрон тарзда олдиндан хабардор қилиш тартиботлари қуйидаги 2 босқичда амалга оширилади: *биринчи босқич*: ташувчи, божхона брокери ёки бошқа манфаатдор шахс томонидан товар ва транспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилгунга қадар ёки олиб ўтилиш вақтида давлат божхона органларининг автоматлаштирилган тизимига Интернет ахборот тармоғи воситасида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситалари (шу жумладан транзит шартларида) ўтказилаётган товарлар ва транспорт воситалари

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 октябрдаги “Автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида давлат божхона хизмати органларининг электрон тарзда олдиндан хабардор қилинишини жорий этиш тўғрисида”ги 307-сон Қарори. 1-Илова. (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 44-сон, 561-модда*).

тўғрисида электрон тарзда олдиндан ахборотларни юборади; *иккинчи босқич*: олдиндан берилган ахборотларнинг ва товар билан бирга юбориладиган ҳужжатларнинг олинишига қараб, божхона органи ходими томонидан автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали (шу жумладан транзит шартларида) товарлар ва транспорт воситалари ўтказишда электрон тарзда олдиндан берилган ахборотларни уларнинг товар билан бирга юбориладиган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқлиги юзасидан текширув амалга оширилади. Агар товарлар ва транспорт воситаларини ўтказиш вақтида манфаатдор шахслар томонидан электрон тарзда олдиндан бериладиган ахборотлар тақдим этилмаганда ёки улар товар билан бирга юбориладиган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаганда автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали (шу жумладан транзит шартларида) товарлар ва транспорт воситалари ўтказиш вақтида автоматлаштирилган ахборот тизимига киритишни мустақил равишда амалга оширади. Шунингдек электрон тарзда олдиндан берилган ахборотлар мавжуд бўлганда ва улар товар билан бирга жўнатиладиган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлганда товар билан бирга жўнатиладиган ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб 1 (бир) соат мобайнида божхона назоратини ва расмишлаштирувини амалга оширади. Божхонада расмийлаштирув тугалланганидан кейин транспорт воситаси белгиланган божхона постига юборилади³¹.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишда (олиб кириш ва олиб чиқишда) *божхона юк декларацияси* тўлдирилади ва мазкур декларациянинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сон Қарори билан тасдиқланган “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил бапредида 2773-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*) билан белгиланади. Ушбу Йўриқноманинг қоидалари ҳар қандай транспортда ёки шахслар юкида Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикасида олиб кириладиган барча товарларга, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали мулкчилик шаклидан, мансублиги ва рўйхатга олинган жойидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган жисмоний ва юридик шахслар номига (манзилига) келаётган электр қуввати, қувур ўтказгичлар орқали етказиб бериладиган товарлар (нефть, газ)га нисбатан татбиқ этилади.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 октябрдаги “Автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида давлат божхона хизмати органларининг электрон тарзда олдиндан хабардор қилинишини жорий этиш тўғрисида”ги 307-сон Қарори. 2-Илова. (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 44-сон, 561-модда*).

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳар қандай товарлар, божхона режими ўзгарадиган товарлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган ҳолатларда бошқа товарлар божхона органларига *божхона юк декларацияси* топшириш йўли билан декларацияланиши лозим бўлиб, мазкур декларациялаш божхона мақсадлари учун зарур бўлган маълумотларни электрон шаклда “Товарларни электрон декларациялаш” автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда ТЭДААТ)га киритиш орқали ёки қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда А4 форматдаги варақларда қоғоз шаклидаги божхона юк декларациясини қўллаган ҳолда амалга оширилади. Агар товарлар божхона юк декларациясини қўллаган ҳолда қоғоз шаклда декларацияланса, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис бир вақтнинг ўзида ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган божхона юк декларациясининг электрон нусхасини ҳам тақдим қилиши лозим. Битта божхона юк декларацияси орқали битта товар тукумига оид бўлган, битта битимга мувофиқ олиб ўтилаётган ва бир хил божхона режимида жойлаштирилаётган товарлар декларацияланиши мумкин. Агар битта товар тукумига оид бўлган товарлар турли божхона режимларига жойлаштирилаётган бўлса, у ҳолда божхона юк декларацияларининг сони товарлар жойлаштирилаётган божхона режимлари сонига мувофиқ бўлиши лозим. Битта божхона юк декларациясини қўллаш орқали кўпи билан 100 та номдаги товарлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин. Божхона юк декларацияси ўзбек ёки рус тилларида тушунарли қилиб тўлдирилган бўлиб, унда ўчиришлар ва бўяш ҳолатлари бўлмаслиги лозим. Агар декларация тушунарсиз ёзувларда тўлдирилган бўлса, мазкур декларацияси божхона органларида расмийлаштириш учун қабул қилинмайди.

Расмийлаштирув учун тақдим ўтилган божхона юк декларацияси божхона органи мансабдор шахси томонидан дастлабки текширув учун қабул қилинади ҳамда дастлабки текширув жараёнида декларация тўғри тўлдирилганлиги ва божхона расмийлаштируви учун зарур ҳужжатлар мавжудлиги текширилади. Дастлабки текширув жараёнида декларацияда камчиликлар аниқланса, божхона органи ходими мазкур камчиликларни бартараф этиш учун бу ҳақида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни хабардор қилади, агар камчиликлар мавжудлиги аниқланмаса, божхона органи мансабдор шахси декларацияни расмийлаштириш учун қабул қилади. Божхона юк декларацияси қабул қилинганлигини расмийлаштириш у топширилган кунда, рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Божхона юк декларациясини электрон шаклини расмийлаштирилганлигини тасдиқлаш божхона органи мансабдор шахсининг электрон рақамли имзосини қўйиш орқали, божхона юк декларацияси қоғоз заклида топширилганида эса божхона органининг шахсий рақамли мухрини босиш орқали амалга оширилади. Агар товарларни божхона юк

декларацияси орқали декларациялаш қоғоз шаклда амалда оширилса, декларация 4 нусхада тақдим этилади ва мазкур нусхалар қуйидагича тақсимланади:

- биринчи нусха – божхона органлари иш йиғма жилдларида қолади;
- иккинчи нусха – штатида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис бўлган божхона брокери ёки декларант учун;
- учинчи ва тўртинчи нусхалар – декларант учун.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари, ҳар қандай кўринишдаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар, товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда *йўловчи божхона декларацияси*³² тўлдирилади. Йўловчи божхона декларацияси Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидаги ўтказиш пунктлари орқали Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтаётган 16 ёшга тўлган шахс томонидан ҳар гал кесиб ўтишда тўлдирилади, агар божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган шахс ўзи эркин равишда мазкур декларацияни тўлдира олмаса (руҳий касал, ақли заиф, жисмоний имконияти чекланган шахс ва бошқалар), мазкур декларация унинг номидан ҳаракатланаётган шахни кузатувчи шахс томонидан тўлдидирилиши мумкин ва бунда декларацияда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун декларацияни тўлдирган ва имзолаган шахс жавобгар бўлади. Йўловчи божхона декларациясиикки нусхада тўлдирилади (резидентлар томонидан киришда ва норезидентлар томонидан чиқишда 1 нусхада тўлдидирилиши мумкин ва бунда Декларация божхона органида қолади) ҳамда Декларацияда кўрсатилган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари, қимматбаҳо буюмлар, товарлар ҳамда транспорт воситасини олиб кириш ёки олиб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Декларация икки тарафлама А-5 форматдаги шаклга эга бўлиб, орқа томонидан мазкур декларацияни тўлдириш учун эслатма келтирилади шу асосда тўлдирилади³³.

Йўловчи божхона декларацияси жисмоний шахс томонидан тўлдирилгач, божхона органи ходимиға тақдим этилади ва божхона органи ходими мазкур декларацияни унда кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий

³² Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сонли Қарори билан тасдиқланган “Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 5 августда 2606-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган). *Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами*, 2014 й., 32-сон, 41-модда.

³³ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сонли Қарори билан тасдиқланган “Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома. 7-банд (Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 5 августда 2606-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган). *Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами*, 2014 й., 32-сон, 41-модда.

валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари, қимматбаҳо буюмлар, товарлар ҳамда транспорт воситасини божхона назоратига тақдим этиш билан бир вақтда қабул қилиб олади. Декларацияда бўяб тузатишлар ёки ўчириш ҳолатларига йўл қўйилмайди, агарда декларацияда нотўғри тўлдирилган бандлар борлиги аниқланса, декларацияда кўрсатилган ашёлар божхона назоратидан ўтказилгунига қадар, декларант томонидан нотўғри маълумотларнинг устига тўғри чизик чизиб қўйиш орқали тўғирланади ва божхона органи ходимининг шахсий муҳри билан тасдиқланади. Декларация тўлидириб бўлингангач, божхона органи ходими декларацияда кўрсатилган маълумотларни фактик ҳолатлар билан солиштириб текширади ва декларациянинг орқа томонига шахсий муҳр босилади, шу вақтдан бошлаб *йўловчи божхона декларациясининг божхона расмийлаштирувида ўтказиш жараёни ўз ниҳоясига етади.*

Айрим ҳолларда жисмоний ва юридик шахслар, умуман, декларантларга Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситалари олиб ўтишга (олиб кириш ёки олиб чиқишга) чекловлар қўйилиши мумкин, товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишга доир чекловлар халқаро мажбуриятлардан, ички бозорни ҳимоя қилиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек чет давлатлар ва улар иттифоқларининг Ўзбекистон Республикаси манфаатларини камситувчи ёки чекловчи бошқа ҳаракатларига жавоб чораси тариқасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланиши мумкин. Мазкур чекловлар киритилиши муносабати билан товарларни олиб ўтаётган шахсда ёхуд ташувчида юзага келган харажатларнинг ўрни божхона органлари томонидан қопланмайди³⁴. Мисол учун, амалдаги қоидага кўра³⁵, жисмоний шахслар (резидент ёки норезидент эканлигидан қатъий назар) томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан ошмаган миқдоргача Ўзбекистон Республикаси нақд миллий валютаси олиб кирилиши ёки олиб чиқилишига рухсат этилади, шунингдек резидент ва норезидентлар томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан ортиқ миқдорда Ўзбекистон Республикаси нақд миллий валютасини олиб чиқиш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномасига асосан амалга оширилади³⁶. Ўзбекистон Республикаси резидентларига божхона чегараси орқали

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири). 23-модда (*Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда*).

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сонли Қарори билан тасдиқланган “Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома. Эслатма, 5-банд (*Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 5 августда 2606-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*). Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 41-модда.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 1 мартдаги 249-В ва 01-02/19-16-сон Қарорлари билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 мартда 1326-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*). 6-банд (*Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 11-сон, 134-модда*).

2000 АҚШ доллари қийматидаги чет эл нақд миллий валютасини ҳеч қандай рухсатномасиз олиб чиқишга рухсат берилади, агар олиб чиқилиши лозим бўлган чет эл нақд миллий валютаси суммаси 2000 АҚШ долларида юқори бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг №09006 рухсатномаси, 5000 АҚШ долларида ортиқ суммаларга эса №09006-1 сонли рухсатнома асосида олиб чиқишга рухсат берилади. Норезидент томонидан Ўзбекистон Республикасига киришда қанча чет эл нақд валютаси олиб кирилган бўлса, олиб чиқишда ҳам шунча миқдордаги чет эл нақд миллий валютасини олиб чиқишга рухсат берилади, агар олиб чиқиладиган сумма олиб кирилган сумма қийматидан юқори бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси талаб этилади. Норезидент шахслар Ўзбекистон Республикасига нақд чет эл валютасини олиб киришда олиб кириладиган валютасини суммасини кўрсатиши талаб этилади, бу орқали уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишларида ўзлари билан олиб чиқиб кетишлари мумкин бўлган нақд чет эл валютасининг миқдорини белгилашда қўлланилади³⁷.

Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига биноан **қуйидаги товарларнинг Ўзбекистон Республикасига импортига тақиқ қўйилган:**³⁸

а) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар;

б) давлат ва жамият қурилишига раҳна солишга, ҳудудий яхлитлик, сиёсий мустақиллик ва давлат суверинитетини бузишга, уруш, терроризм, зўравонлик, миллий устунлик ва диний нафрат, ирқчилик ва унинг турларини (антисемитизм, фашизм) ҳамда порнографик мазмундаги материалларни тарғиб этишга қаратилган босма асарлар, қўлёзмалар, клишелар, расмлар, фотосуратлар, фотоплёнкалар, негативлар, кино, видео ва аудио маҳсулотлари, грамзапислар, овоз ёзилган материаллар;

в) портатив лазерли нур тарқатгичлар;

г) портловчи моддалар ва портлатиш воситалари;

д) учувчисиз учиш аппаратлари³⁹.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги товарларнинг экспортига тақиқ ўрнатилган⁴⁰:

³⁷Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 26 апрелдаги 126-в ва 03/19-126-сон билан тасдиқланган “Жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 7 майда 716-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган). 2-банд.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1871-сонли Фармони. 5-Илова.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида учувчисиз учиш қурилмаларидан санкциясиз фойдаланишда оғохлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 322-сон Қарори. 1-банди.

а) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар;

б) дон (буғдой, сули, арпа, гуруч, маккажўхори, гречиха); нон маҳсулотлари (ундан тайёрланган қандолат маҳсулотлари, пироглар, ўзи ишлаб чиқарган пишириклардан ташқари); ун, ёрмалар; уй ҳайвонлари, паррандалар; гўшт ва истеъмолбоп гўштли қўшимча маҳсулотлар, уй паррандасининг истеъмолбоп маҳсулотлари; шакар; ўсимлик ёғлари; тери хом ашёси (ностандарт терилар ҳам), тери-мўйна, шу жумладан қоракўл териси (ностандарт терилар ҳам) хом ашёси; рангли металл парчалари ва чиқиндилари; чуватиш имкони бўлган пилла, хом ипак (эшилмагани), ипак чиқиндилари (шу жумладан чуватиш имкони бўлмаган пилла, пилла ипи чиқиндилари ва юмшатишган чиқиндилари); полиэтилентерефталат (ПЭТ) чиқитлари, қийқиндилари ва скрап (қиринди)лари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхатга асосан республикадан олиб чиқиб кетилиши мумкин бўлмаган биологик объектлар.

Ушбу турдаги товарларнинг импорти ва экспортига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг лицензияси асосида) фақатгина давлатнинг ваколатли органлари томонидан бериладиган рухсатномалар асосида йўл қўйилади:

- қурол, ўқ-дорилар;
- қимматбаҳо металллар, қотишма ва ундан ишланган буюмлар; рудалар, концентратлар, лом ва чиқиндилари; қимматбаҳо табиий тошлар ва улардан ишланган буюмлар, марварид ва ундан ишланган буюмлар;
- уран ва бошқа радиоактив моддалар, радиоактив моддалардан ишланган буюмлар ва уларнинг чиқиндилари;
- радиоактив моддалардан фойдаланишда ишлатиладиган асбоб ва ускуналар;
- радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар⁴¹.

Юқорида санаб ўтилган товарларга нисбатан чеклов ва тақиқлар Ўзбекистон Республикасининг божхона сиёсатининг асосий мақсадларидан, жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида самарали божхона назоратини ҳамда товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлаш, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантириш ҳамда ички бозорни ҳимоялаш ҳамда энг асосийси Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш (протекционализм сиёсатини амалга ошириш) нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига асосан товарларга

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1871-сонли Фармони. 4-Илова.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1871-сонли Фармони. 1-Илова.

доир бўлган божхона декларацияси мазкур декларацияни қабул қилиб олиш ваколатига эга бўлган исталган божхона органига тақдим этилиши мумкин. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг айрим тоифаларини декларациялаш қуйидагиларга боғлиқ ҳолда фақат муайян божхона органларида амалга оширилиши кераклигини белгилайди:

- маданий бойликларнинг, қурол-яроғнинг, ҳарбий техниканинг ва ўқ-дори­ларнинг, радиоактив материалларнинг божхона расмийлаштируви учун махсус асбоб-ускуналар ва (ёки) махсус билимлар қўлланилиши зарурлигига;
- товарларни халқаро ташиш учун фойдаланиладиган транспортнинг турига (автомобиль, ҳаво, темир йўл, дарё, қувур транспорти ва электр узатиш линиялари);
- божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бир неча марта бузилиши ҳоллари қайд этилган ёки иқтисодий сиёсат чоралари белгиланган товарларнинг алоҳида турларига;
- таркибида интеллектуал мулк объектлари бўлган товарларга.

Товарларни ташиётган транспорт воситалари товарлар билан бир вақтда декларацияланади. Юксиз транспорт воситалари ва йўловчиларни ташиётган транспорт воситалари божхона чегарасини кесиб ўтаётганда декларацияланади. Дарё ва ҳаво кемалари божхона ҳудудига келиш жойидаги дарё портида ёки аэропортда ёхуд божхона ҳудудидан кетиш жойидаги дарё портида ёки аэропортда декларацияланади⁴².

Юқорида келтириб ўтилдики, товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш учун асос бўлиб, *божхона декларацияси* ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, божхона чегараси орқали олиб кириладиган товарлар учун божхона декларацияси товар келиб тушадиган божхона органига товарлар тақдим этилган кундан эътиборан 15 (ўн беш) календарь кунидан кечиктирмасдан топширилиши лозим, агар божхона декларациясини тақдим этиш муддатининг тугаши божхона органи ишламайдиган кунга тўғри келиб қолса, у ҳолда божхона органининг навбатдаги иш куни шу муддат тугайдиган кун деб ҳисобланади. Агар ёки транспорт воситалари божхона транзити режимига жойлаштирилган бўлса, бунда уларга тегишли бўлган божхона декларацияси товарлар божхона органига тақдим этилган ёки товар ва транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилган пайтдан кейин божхона органига тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган товарларнинг божхона декларацияси то товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетулгунича божхона органига тақдим

⁴² Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири). 253-модда (*Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами*, 2016 й., 3(I)-сон, 31-модда).

этилиши талаб этилади. Агар товарлар ўзини олиб кирилгунча ёки олиб чиқиб кетулгинича уларнинг божхона режими ўзгарадиган бўлса, у ҳолда уларнинг божхона декларацияси аввалга божхона режими тугаллангунига қадар берилиши лозим. Жисмоний шахсларнинг қўл юки ёки кузатиб бориладиган бажаида мавжуд бўлган нотижорат мақсадларида олиб ўтиладиган товарлар декларацияси мазкур товарлар божхона органига топширилган вақтда товар билан бирга берилади. Транспорт воситаларини декларациялаш, агар транспорт воситаси божхона ҳудудидан чиқиб кетаётган бўлса, божхона чегарасини кесиб ўтишидан 3 (уч) соат олдин, транспорт воситаси божхона ҳудудига кириб келаётган бўлса, божхона чегарасини кесиб ўтганидан 3 (уч) соатдан кечиктирмай декларацияланади.

Товарлар божхона ҳудудига етиб келгунга қадар ҳам декларантнинг хоҳишига кўра декларацияланиши мумкин ва бу декларациялаш *дастлабки декларациялаш*⁴³ деб номланади. Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан⁴⁴, товарлар дастлабки декларацияланганида дастлабки божхона декларацияси божхона органига топширилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) календарь куни мобайнида дастлабки декларацияда кўрсатилган товарлар декларацияни қабул қилган божхона органига тақдим этилмаса, дастлабки божхона декларацияси берилмаган деб ҳисобланади. Божхона кодексининг 267-моддаси талабларига асосан божхона чегарасини кесиб ўтаётган товар транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунга қадар, шунингдек божхона назорати остида товарлар ташилишида уларга нисбатан *қисқа божхона юк декларацияси* қўлланилади. Қисқа божхона юк декларацияси ташувчи ёки ваколатли шахс томонидан божхона органига товар божхона ҳудудига етиб келган жойда товарни тақдим этиш ёки товар келиб тушадиган божхона органига товарни етказиб бериш билан бир вақтда берилади. Агар ташувчи ёки ваколатли шахс уни тўлдириш учун барча зарур ҳужжатларга эга бўлмаса, қисқа божхона юк декларацияси товар тақдим этилгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай ташувчи ёки ваколатли шахснинг аризаси асосида берилади.

Қисқа божхона юк декларацияси сифатида транспорт, тижорат ҳужжатларидан, шу жумладан халқаро ташишлар амалга ошириладиганда қўлланиладиган, чет тилларда тузилган ва қуйидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжатлардан фойдаланилади:

— транспорт ҳужжатларига мувофиқ товарни жўнатувчининг (қабул қилувчининг) номи ва жойлашган ери;

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-9-сон Қарори билан тасдиқланган “Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 30 январда 2418-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган). 1-банд (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 63-модда).

⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири). 262-модда. 4-қисм (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(І)-сон, 31-модда).

- товар жўнатилган мамлакат ва келиб тушадиган мамлакат;
- товарнинг номи;
- товарнинг миқдори, шу жумладан товарларнинг брутто/нетто оғирлиги (килограммларда) ёки товарларнинг ҳажми (метр кубларда);
- юк жойларининг сони, товарнинг ўраш-жойлаш ҳамда тамғалаш хусусияти ва усуллари;
- товарнинг фактура (маълум қилинган) қиймати;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасига (ТИФ ТН – ТН ВЭД) мувофиқ товарнинг камида олти та белги даражасидаги таснифий коди ҳақидаги маълумотлар.

Агар товарлар божхона чегарасини қувур транспорти ёки электр узатиш линиялари орқали кесиб ўтаётган бўлса, уларга нисбатан *муваққат божхона юк декларацияси*ни божхона органига тақдим этиш орқали декларациялашга йўл қўйилади. Товарлар юқорида келтирилган усулда божхона органи томонидан белгиланган муддатларда божхона чегарасидан тўла олиб ўтилганидан кейин мазкур товарларни олиб ўтувчи декларант ёки божхона брокери томонидан божхона органларига божхона юк декларацияситақдим этилиши шарт. Божхона амалиётида *тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияси*ни ҳам қўллашга рухсат берилади, бунда декларант ёки божхона брокери ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, товар учун декларацияни тўлдириш учун зарур маълумотларга эга бўлмаган тақдирда, тўлиқ бўлмаган божхона юк декларациясини товарни идентификациялаш имконияти бўлгани ҳолда бериши мумкин. Тўлиқ бўлмаган божхона юк декларациясишартли чиқариб юбориладиган товарларга (божхона тўловлари шартли божхона қийматини аниқлаш асосида тўланган товарлар; зарур ҳужжатлар (бундан мувофиқлик сертификати ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатлар мустасно) ва маълумотлар тақдим этилмаган товарлар; божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилган ҳолда эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида мувофиқ расмийлаштирилган товарлар) нисбатан қўлланилишига рухсат берилади. Агар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ бўлмаган божхона юк декларациясини топширган декларант ёки божхона брокери мазкур декларация топширилган кундан эътиборан 60 (олтмиш) календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда топширилган тўлиқ бўлмаган божхона юк декларациясига етишмаган маълумотлар ва лозим даражада тўлдирилган божхона юк декларациясини тақдим этиш тўғрисидаги ёзма мажбуриятини илова қилади.

Божхона кодексининг 270-моддасига асосан *даврий божхона юк декларацияси*⁴⁵ ишлаб чиқарилган мамлакати, физик хусусиятлари, сифати, ишлаб чиқарувчиси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси бўйича товар кодининг ўнта белгили даражаси бир хил бўлган товарлар айти бир шахс томонидан божхона чегараси орқали мунтазам равишда олиб ўтилган тақдирда қўлланилади. Айти бир шахс томонидан мунтазам равишда олиб ўтиш деганда, ишлаб чиқарилган мамлакати, физик хусусиятлари, сифати, ишлаб чиқарувчиси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси бўйича товар кодининг ўнта белгили даражаси бир хил бўлган товарларнинг олтмиш календарь кун ичида бир мартабадан кўп марта битта юк жўнатувчи манзилидан бошқа юк қабул қилувчи манзилига бир контракт (шартнома, келишув) асосида бир хил шароитда божхона чегарасидан олиб ўтилиши тушунилади. Бундай ҳолларда муайян вақт ичида божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган барча товарлар учун битта божхона юк декларацияси берилади. Бу тартиб вақтинча товарларни сақлашнинг энг кўп муддати ёки божхона тўловларини тўлаш муддатлари бузилишига олиб келиши мумкин эмас.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-10-сон Қарори билан тасдиқланган “Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 30 январда 2419-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*). 2-банд (*Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 64-модда*).

2.2. Декларациялаш жараёнида иштирок этувчи субъектлар таснифи (декларант, божхона брокери, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис, божхона ташувчиси).

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, божхона расмийлаштируви сингари декларациялаш жараёни ҳам божхона-ҳуқуқий муносабатлардан бири ҳисобланади. Шунинг замирида айтиш мумкинки, ҳар қандай ҳуқуқий муносабатда тарафлар (субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўлган ҳуқуқ субъектлари) иштирок этади. Декларациялаш жараёнида вужудга келадиган божхона-ҳуқуқий муносабатларда бир томонда божхона органларининг мансабдор шахси иштирок этса, иккинчи томондан декларант ва унинг вазифасини ўтовчи шахслар (божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис, божхона брокери ва божхона ташувчиси) иштирок этадилар⁴⁶. Қуйида мазкур божхона-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг таснифига бирма-бир тўхталиб ўтамиз.

Декларант – бу товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи шахс ёки унинг номидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари декларацияланаётган шахс. Мазкур тушунчани таҳлил қиладиган бўлсак, демак, дастлабки ҳолатда – товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи шахс – бу товар ёки транспорт воситаларини божхона чегарасидан шахсан ўзи олиб ўтувчи ва тегишли божхона декларациясини шахсан ўзи расмийлаштирувчи шахс ҳисобланса, иккинчи ҳолатда – унинг номидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари декларацияланаётган шахс, яъни бунда декларациялаш айнан шу шахс номига, лекин шахсан ўзи эмас, балки божхона брокери ёки божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис томонидан амалга оширилади. Декларантнинг ҳуқуқий мақоми Божхона кодексининг 39-боби (274 – 276-моддалар) талаблари билан белгиланади.

Қонун ҳужжатларига биноан қуйидагилар божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда декларант бўлиши мумкин:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахси;
- 2) чет эллик шахс:
 - товарларни нотижорат мақсадларда олиб ўтувчи жисмоний шахс;
 - Божхона кодексига асосан божхона имтиёзларидан фойдаланувчи чет давлат ваколатхоналари, уларнинг ходимлари ва бошқа чет эл шахслари;
 - норезидентнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси;
 - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда аккредитация қилинган ваколатхонага эга бўлган шахс шундай ваколатхоналарнинг ўз эҳтиёжлари

⁴⁶ Учебное пособие / Под ред. В.Г. Драганова, М.М. Рассолова – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. Стр. 238. Серия «Dura lex, sed lex».

учун олиб кириладиган товарларни вақтинча олиб кириш, реэкспорт қилиш, божхона транзити божхона режимларига, шунингдек эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштиришни маълум қилганда;

– ташувчи товарлар божхона назорати остида ташилаётганда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирда қабул қилинган Божхона кодексида янги тушунча – *ваколатли шахс* тушунчаси киритилган бўлиб, унга кўра товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси ёки товарга ва (ёки) транспорт воситасига нисбатан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатларга эга бўлган ёхуд товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш кўрувчи шахс ваколатли шахс ҳисобланиши белгиланди, бу эса ўз навбатида ваколатли шахслар ҳам божхона расмийлаштирувида декларант сифатида иштирок этишини англатади.

Жисмоний ёки юридик шахслар томонидан товарлар ва транспорт воситалари божхона чегараси орқали олиб ўтилишида улар давлат божхона хизмати органлари билан ўзаро ҳуқуқий муносабатларга киришадилар, бу эса ўз ўрнида божхона-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишига олиб келади. Ҳуқуқнинг умумий назариясига кўра, *ҳуқуқий муносабатлар*⁴⁷ – бу ўзаро субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ шахслар (яъни, жисмоний ва юридик шахслар) ўртасидаги ҳуқуқ нормалари ва юридик фактлар асосидаги алоқа ҳисобланиб, бундай муносабатларда камида икки томон – ҳуқуқ субъектлари иштирок этиб, ўзаро мулоқотга киришадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, товар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда вужудга келадиган *божхона-ҳуқуқий муносабатлар*нинг субъектлари сифатида бир томондан декларант (товар ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси, божхона брокери, божхона ташувчиси), иккинчи томонда эса давлат божхона хизмати органлари гавдаланар экан, демак, улар ўртасидаги шу ҳуқуқий муносабатлар доирасида субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар ҳам намоён бўлади.

Товар ва транспорт воситаларининг божхона чегарасидан олиб ўтиб, божхона расмийлаштируви жараёнида уларни декларациялаш чоғида декларант қуйидаги ҳуқуқларга эга⁴⁸: божхона декларацияси ва божхона мақсадлари учун зарур бошқа ҳужжатлар берилгунига қадар товарларни божхона назорати остида кўздан кечириш ҳамда ўлчаш, уларнинг намуналари ва нусхаларини олиш; товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувини ўтказишда, божхона органининг мансабдор шахслари томонидан намуналар ва нусхалар олинаётганда товарларнинг текширилишида ҳозир бўлиш; божхона органларининг мансабдор

⁴⁷ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Т. Тултеев ва бошқ.; проф. Х.Т. Одилвориевнинг таҳрири остида. – Тошкент.: “Шарқ”, 2009 й. 307-бет.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири). 275-модда (*Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами*, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда).

шахслари томонидан олинган намуналар ва нусхаларни текширувдан ўтказиш натижалари билан танишиш; товарларни электрон шаклда декларациялаш учун зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш учун мўлжалланган божхона органларининг ахборот тизимларидан фойдаланиш.

Товарнинг божхона қийматини аниқлашда декларант қуйидаги ҳуқуқларга эга: божхона органига тақдим этилган, товарнинг божхона қийматини аниқлашда фойдаланилган маълумотларнинг ишончилигини исботлаш; товарнинг маълум қилинган божхона қийматига аниқлик киритиш зарурати туғилганда, башарти товарнинг божхона органи томонидан аниқланган божхона қийматига мувофиқ божхона тўловлари тўланишини таъминласа ёхуд божхона тўловларини тўласа, декларацияланган товардан божхона органининг рухсати билан фойдаланиш; товарнинг божхона қийматини аниқлаш хусусида божхона органининг қарори, унинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш, шунингдек, декларант қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Декларантлар товар ва транспорт воситаларини декларациялаш жараёнида қатор ҳуқуқларга эга бўлишлари баробарида давлат божхона хизмати органлари олдида Божхона кодексининг 276-моддасида кўрсатилган қуйидаги бир қанча мажбуриятларни ҳам ўташлари талаб этилади:товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини декларациялашни амалга ошириши;божхона мақсадлари учун зарур, шу жумладан декларацияланаётган товарларга ва (ёки) транспорт воситаларига нисбатан ваколатли органлар томонидан ўтказиладиган ветеринария, фитосанитария назорати, экологик назорат ва давлат назоратининг бошқа турлари талабларига риоя этилиши тўғрисидаги ҳужжатларни ва (ёки) маълумотларни божхона органига тақдим этиши;божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона органининг талабига кўра тақдим этиши; божхона органининг талабига кўра товарларни тарозида тортишни ҳамда бошқача тарзда уларнинг миқдори ва сифатини аниқлашни, шунингдек декларацияланаётган товарларга ва (ёки) транспорт воситаларига нисбатан юк операцияларини амалга ошириши; божхона тўловларини тўғри ҳисоблаб чиқариши;божхона тўловларини тўлаши ёки уларнинг тўланишини таъминлашни тақдим этиши; товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувида божхона органининг талабига кўра ҳозир бўлиши ҳамда божхона органининг мансабдор шахсларига божхона расмийлаштирувини ўтказишда кўмаклашиши;товарлар ва (ёки) транспорт воситалари жойлаштирилган божхона режими талаблари ҳамда шартларига риоя этиши;товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини декларациялашдабожхона идентификациялаш воситалари ўзгартирилганлиги, йўқ қилинганлиги, бузилганлиги ёки йўқотилганлиги, идишлар ва ўровлар бузилганлиги, товарлар товарнинг кузатув

ҳужжатларида ва божхона назоратининг бошқа ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ эмаслиги аниқланганлиги ҳақида божхона органларини ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

Товарнинг божхона қийматини аниқлашда декларант: божхона органига товарнинг божхона қийматини маълум қилиши; товарнинг божхона қийматини аниқлашга тааллуқли маълумотларни божхона органининг талабига кўра тақдим этиши шарт. Декларантда товарнинг ўзи маълум қилган божхона қийматини аниқлаштириш ёки божхона органига қўшимча маълумот тақдим этиш туфайли юзага келган харажатлар декларантнинг зиммасида бўлади. Товарнинг божхона расмийлаштируви муддатининг божхона қийматини аниқлаш билан боғлиқ тарзда узайтирилишидан декларант божхона тўловларини амалда кечиктириб тўлаш учун фойдаланиши мумкин эмас. Декларантнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувига доир божхона-ҳуқуқий муносабатларда *божхона брокери*⁴⁹ декларант вазифасини ўташи мумкин, бунда унинг вазифаси товар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона расмийлаштирувида декларант томонидан амалга оширилиши лозим бўлган божхона операцияларини декларантнинг ёки ваколатли шахснинг топшириғига кўра ва унинг номидан амалга оширишдан иборат ҳисобланади. Божхона брокерининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, уларни ташкил этиш ва тугатиш асослари ҳамда тартиби Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 40-боби, шунингдек “Божхона брокери тўғрисида”ги Низом⁵⁰ талаблари асосида тартибга солинади. Божхона брокери ўз фаолиятини амалга ошириш учун давлат божхона хизмати органидан мазкур фаолиятни амалга ошириш учун тегишли рухсатнома олиши талаб этилади ва ушбу фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олиш учун божхона брокери штатида божхона расмийлаштируви бўйича тегишли малака аттестатига эга бўлган камида икки нафар мутахассисга эга бўлиши ва албатта, божхона тўловлари тўланишини таъмишлаш имкониятига эга бўлиши лозим⁵¹.

Божхона брокери сифатида фаолиятни амалга ошириш истагида бўлган юридик шахс мазкур фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига ариза билан мурожаат этиши ва аризасида юридик шахснинг номи, малака аттестатларининг рақами кўрсатилган

⁴⁹ божхона брокери — божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни декларантнинг ёки ваколатли шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан шартнома асосида амалга оширадиган, тегишли рухсатнома олган Ўзбекистон Республикаси юридик шахси.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 14 июлдаги 01-02/20-29-сон Қарори билан тасдиқланган (*Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 15 сентябрда 1271-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*).

⁵¹ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири). 278-модда (*Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда*).

ҳолда штатида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларнинг мавжудлиги, юридик манзили ва банк реквизитларини кўрсатиши лозим. Мазкур аризага божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Аризада юридик шахснинг электрон манзили (e-mail) кўрсатилиши мумкин ва бу унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарни электрон тарзда қабул қилишга рози эканлигини англатади. Божхона брокери сифатида фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олиш учун берилган ариза қабул қилиб олинган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 10 (ўн) иш куни мобайнида кўриб чиқилади ва рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилади. Рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин 1 (бир) иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси аризачи юридик шахсга бу ҳақида ёзма ёки электрон тарзда хабар бериши лозим. Божхона брокери сифатида фаолият юритиш учун бериладиган рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ҳамда амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади, аризани кўриб чиққанлик, қайта расмийлаштирилганлик, рухсатнома ёки унинг дубликатини берганлик учун божхона йиғими ундирилмайди. Божхона брокери сифатида фаолият юритиш учун рухсатнома махсус бланкда расмийлаштирилади ва унда юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва жойлашган ери, рухсатнома берилган сана ва Божхона брокерларининг реестридаги тартиб рақами, юридик шахслар учун солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилиши лозим. Рухсатнома берилган божхона брокерларининг реестри Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан юритилади ва расмий веб-сайти – www.customs.uz га очик тарзда жойлаштирилади.

Товар ва транспорт воситаларини декларациялашда божхона брокери декларантдан ёки ваколатли шахсдан божхона расмийлаштируви учун зарур ҳужжатларни ва маълумотларни, шу жумладан тижорат, банк сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ўз ичига олган ҳужжатларни ва маълумотларни талаб қилиш ва олиш; божхона юк декларациясини ҳамда товарларни декларациялаш учун зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш; товарларни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган тартибда декларациялаш мақсадида божхона органларининг ахборот ресурсларидан фойдаланиш; товарнинг божхона қийматини аниқлашда декларантга берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш; божхона расмийлаштируви ва божхона назорати учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни ваколатли шахс сифатида бажариш; божхона органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш

каби ҳуқуқларга, шунингдек энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори ошган тақдирда бундай ўзгариш содир бўлган санадан эътиборан бир ой ичида божхона тўловлари тўланишини таъминлаш; божхона операциялари амалга оширилаётганда божхона органига божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиши; қонун ҳужжатларининг товарларга доир талабларига, тақиқларига, чекловларига риоя этган ҳолда товарларни декларациялашни амалга ошириши ва божхона органига божхона декларациясини бериши; товарнинг божхона қийматини аниқлашда мувофиқ белгиланган декларантнинг мажбуриятларини бажариши; божхона расмийлаштирувида божхона органларига кўмаклашиши; товарларни жўнатувчидан, қабул қилувчидан олинган, давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор этмаслиги, ундан шахсий мақсадлари учун фойдаланмаслиги шарт бўлган мажбуриятларга эга. Божхона брокери сифатида фаолият юритиш шартларини бузган юридик шахсларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 227²⁷-моддасида кўрсатилган жавобгарликка тортиладилар. Божхона брокери фаолияти қонун ҳужжатларига биноан юридик шахс тугатилганида, божхона брокерининг давлат божхона қўмитасига мурожаати бўйича ўзининг ихтиёрий аризаси асосида ёки суднинг қарори билан тугатилиши мумкин⁵². Божхона брокери сифатида фаолиятини тугатган юридик шахснинг мансабдор шахси бу ҳақида Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига хабар бериши ва ишлатилмаган декларация бланкаларини топшириши лозим.

Декларациялаш жараёнининг яна бир иштирокчиси бу – *божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисдир*⁵³. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис декларант вазифасини ўташи мумкин, бунда унинг вазифаси товар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона расмийлаштирувида декларант томонидан амалга оширилиши лозим бўлган божхона операцияларини декларантнинг ёки ваколатли шахснинг топшириғига кўра ва унинг номидан амалга оширишдан иборат ҳисобланади.

Қонунчиликда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми Божхона кодекси ва “Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисида”ги Низом⁵⁴ талаблари асосида белгиланади. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ўзининг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган шаклда 5 йил муддатга берадиган малака аттестати

⁵² “Божхона брокери тўғрисида”ги Низом. 20-банд (Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 15 сентябрда 1271-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан берилган малака аттестатига эга бўлган, божхона брокери ёхуд бошқа юридик шахс билан меҳнат шартномаси тузган ва ушбу юридик шахс номидан божхона расмийлаштируви бўйича иш бажарадиган Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахси.

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 14 июлдаги 01-02/20-28-сонли Қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 15 сентябрда 1272-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

асосида амалга оширади. Божхонарасмийлаштируви бўйича мутахассис малака аттестатини олиш учун талабгор шахс олий ёки ўрта-махсус маълумотга, шунингдек ташқи иқтисодий фаолияти йўналишидаги ташкилотда 1 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши, шунингдек божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларни тайёрловчи курсда (1 ой) ўқиши ва малака имтихонини топшириши лозим. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитиш, унинг малакасини ошириш, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини бериш, қайта расмийлаштириш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш), унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади⁵⁵. Амалдаги қонун ҳужжатлари⁵⁶га биноан, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитганлик, унга малака аттестати берганлик, унинг малака аттестатини қайта рўйхатдан ўтказганлик ва қайта тиклаганлик учун божхона йиғимлари ундирилади.

Божхона кодексининг 286-моддасига биноан божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ўз фаолиятини амалга ошираётганда а) декларацияланаётган товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувида, товарларнинг намуналари ва нусхалари олинаётганда ҳозир бўлиш; б) декларацияланаётган товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона назорати остида кўздан кечиришни, уларни тарозида тортишни ва бошқача тарзда уларнинг миқдорини аниқлашни амалга ошириш, шунингдек божхона органининг рухсати билан товарларнинг намуналари ва нусхаларини олиш; в) товарлардан олинган намуналар ва нусхаларнинг божхона органлари томонидан ўтказилган божхона экспертизаси (текшируви) натижалари билан танишиш; г) божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни бажариш учун божхона назорати зонасига кириш; д) божхона масалалари бўйича божхона органларидан белгиланган тартибда маълумотлар ва маслаҳатлар олиш; е) божхона органларидан ўз номига электрон рақамли имзо олиш, *дастлабки операциялар амалга оширилаётганда* а) декларантнинг ёки ваколатли шахснинг товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона ҳудудидан олиб чиқиш нияти тўғрисида божхона органларини хабардор қилиш; б) дастлабки операциялар амалга оширилаётганда божхона мақсадлари учун зарур бўладиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш; в) декларацияланадиган товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона омборларига божхона назорати остида жойлаштириш каби ҳуқуқларга, шунингдек ваколатли шахсдан олинган, божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текшириш ҳамда уларни таҳлил

⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири). 285-модда. 3-қисм (*Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами*, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда).

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 204-сонли Қарори билан тасдиқланган “Божхона йиғимлари ставкалари”.

қилиш, шунингдек ваколатли шахснинг товарларга ва (ёки) транспорт воситаларига нисбатан ваколатларини текшириш; товарларни декларациялаш ва божхона мақсадлари учун зарур бўлган товарлар тўғрисидаги ҳужжатларни бериш; товарларни тўғри декларациялаш; божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш; товарларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасига мувофиқ божхона мақсадлари учун тўғри таснифлаш; товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни тўғри кўрсатиш; товарларнинг миқдорини тўғри кўрсатиш; товарларнинг божхона қийматини тўғри аниқлаш; божхона расмийлаштирувини амалга ошириш ва божхона назоратини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ҳамда қўшимча маълумотларни божхона органига ўз вақтида тақдим этиш; декларацияланаётган товарларга ва транспорт воситаларига нисбатан ветеринария, фитосанитария назорати ва давлат назоратининг бошқа турлари тугалланганлигини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда текшириш; декларантдан олинган ахборотдан фақат божхона мақсадлари учун фойдаланиш; товарларни жўнатувчидан, уларни қабул қилувчидан олинган, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор этмаслик, ундан шахсий мақсадлар учун фойдаланмаслик; ваколатли шахсга божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини тушунтириш; божхона идентификациялаш воситалари ўзгарганлиги, бузилганлиги, йўқ қилинганлиги ёки йўқотилганлиги, идишлари ва ўровлари бузилганлиги, товарларнинг транспорт, тижорат ҳужжатларида ва бошқа ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқ эмаслиги ва божхона ишига тааллуқли бўлган бошқа шундай ҳолатлар аниқланган тақдирда божхона органларини зудлик билан хабардор қилиш; декларацияланадиган товарларнинг ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви учун божхона кўригини ўтказишда божхона органининг талабига кўра иштирок этиш; малака аттестатини олганидан ёки унинг амал қилиш муддати узайтирилганидан кейин икки ярим йил ўтгач, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитганлик учун божхона йиғимларини тўлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига малака ошириш бўйича ўқиш учун мурожаат қилиш; божхона органларидан олинган ўз электрон рақамли имзосидан фойдаланиш; *товарларни тасарруф этиш ҳуқуқи берилган тақдирда* божхона кўриги ва расмийлаштируви учун товарларни божхона органининг талабига кўра тақдим этиши; танланган божхона режимида мувофиқ божхона расмийлаштируви яқунланмаган товарларга нисбатан улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича шартларга ва чекловларга риоя этиши; декларантнинг мажбуриятларини бажариши ва товарларни божхона чегараси орқали ўзи мустақил олиб ўтганидаги каби жавобгарликни ўз зиммасига олиши шарт бўлган мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

Божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда декларациялаш, умуман, божхона расмийлаштирувида қатнашувчи охирги субъект – *божхона ташувчиси* ҳисобланади. Божхона ташувчи сифатида фаолиятни амалга ошириш янги таҳрирдаги Божхона кодексининг 33-боби (235 – 239-моддалари) талаблари билан тартибга солинади. Божхона ташувчиси сифатида фаолиятни амалга ошириш истагида бўлган Ўзбекистон Республикасининг исталган юридик шахси:

- автотранспортда юкларни халқаро ташиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлиши ва божхона органига ариза берилган санага қадар камида икки йил давомида ушбу фаолиятни амалга оширган бўлиши;
- божхона тўловлари тўланишининг таъминланганлиги;
- товарлар божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташилаётган транспорт воситаларининг жиҳозланишига доир талабларни бажарга ҳолда товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташиш учун яроқли автотранспорт воситаларига эгалиги;
- Ўзбекистон Республикаси юридик шахсининг фуқаролик жавобгарлиги хавфини суғурталаш шартномаси мавжуд бўлиши лозим.

Мазкур талаблар тўла бажарилганидан кейин юридик шахснинг мазкур фаолиятни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига белгиланадиган шаклда ёзилган ариза ва божхона ташувчиларининг реестрига киритилиш шартларига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни топшириши лозим. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органи томонидан кўриб чиқилгач, аризачи юридик шахс божхона ташувчиларининг реестига киритилади ва *божхона ташувчиси* сифатида эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайти – www.customs.uz га жойлаштирилади⁵⁷. Божхона ташувчиси сифатида фаолият юритиш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик ва божхона ташувчиларининг реестрига киритганлик учун божхона йиғими ундирилмайди. Божхона ташувчиси божхона назорати остида турган товарларни ташишни божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришни қўлламаган ҳолда амалга оширади. Божхона ташувчиларининг товарларни жўнатувчилар ва олувчилар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади.

Белгиланган тартибда реестрга киритилган божхона ташувчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) божхона назорати остида турган товарларни божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришни қўлламаган ҳолда ташишга;

⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири). 235-модда. 3-қисм (*Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами*, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда).

2) қуйидаги ҳолларда товарларни ва транспорт воситаларини ташиш учун қабул қилмасликка, *агар*:

- товарнинг кузатув ҳужжатлари белгиланган тартибни бузган ҳолда расмийлаштирилган бўлса;
- автотранспорт воситасига ва товарлар ўровига қўйилган божхона идентификациялаш воситалари ташилаётган товарларга шундай таъминлов чораларини бузмасдан тегиш имкониятини истисно этмаса.

Божхона ташувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Шунинг баробарида божхона ташувчилари қуйидаги бир қатор юридик мажбуриятларни ҳам зиммаларига оладилар:

- божхона назорати остида ташиладиган товарларнинг ҳисобини юритиши ва божхона органларига шундай товарларни ташиш тўғрисида ҳисобот тақдим этиши;
- товарларни жўнатувчидан, қабул қилувчидан олинган, давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этадиган ахборотни ошкор этмаслиги, ундан шахсий мақсадлари учун фойдаланмаслиги, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- товарларни ва уларга оид ҳужжатларни товар келиб тушадиган божхона органига тақдим этиши, ушбу божхона органи мансабдор шахсларининг талабига кўра эса товарларни товар келиб тушадиган божхона органига амалда тақдим этиши;
- битта автотранспорт воситасида божхона назорати остида турган товарлар билан бир вақтда бошқа товарларни ташимаслиги;
- ташилаётган товарларнинг бут сақланишини таъминлаши;
- белгиланган жойга божхона органининг иш вақтидан ташқари пайтда келтирилган товарларни божхона назорати зонасига жойлаштириши;
- ўз ходимларига товарларни божхона назорати остида ташиш қоидаларини ўргатиши;
- автотранспорт воситаларини тегишли техник ҳолатда сақлаб туриши ҳамда уларда товарларни божхона пломбалари ва мухрлари остида ташиш ва божхона ташувчилари реестрига киритиш талаблари ва шартларига мувофиқлигини таъминлаши;
- ўз кучи ёки шартнома асосида бошқа ташкилотларнинг кучи билан товарлар ўз автотранспорт воситаларига ортилишини ёки қайта ортилишини, шу автотранспорт воситаларидан туширилишини ёки қайта ортилишини таъминлаши;

Божхона ташувчиларининг реестрига киритилиш пайтида маълум қилинган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида шундай ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан 5 (беш) иш куни ичида божхона органини хабардор қилиши шарт. Божхона ташувчилари божхона ташувчисининг ўзини Божхона ташувчиларининг

реестридан чиқариш тўғрисидаги аризасига асосан, божхона ташувчиларининг реестрига киритилиш шартларига риоя этилмаганда, божхона ташувчиларининг зиммаларига юклатилган мажбуриятларга улар томонидан бажарилмаганда, божхона ташувчиси мақомини олган юридик шахс қайта ташкил этилганда, божхона ташувчиси мақомини олган юридик шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилганда реестридан чиқарилиши мумкин⁵⁸.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири). 238-модда (*Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами*, 2016 й., 3(I)-сон, 31-модда).

II боб юзасидан хулоса.

Айтиш жоизки, декларациялаш жараёни товар ва транспорт воситалари божхона расмийлаштирувининг энг муҳим шарти ҳисобланиб, амалдаги божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, жумладан янги таҳрирдаги Божхона кодексига асосан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди орқали олиб ўтилаётган (олиб кирадиган ва мазкур ҳудуддан олиб чиқиладиган) жамики товар ва транспорт воситалари белгиланган тартибда декларацияланиши шарт.

Декларациялаш жараёни божхона ҳукуки соҳасидаги энг кўп вужудга келадиган ҳукукий муносабатлардан бири бўлиб, бу божхона-ҳукукий муносабати, қоида тариқасида (ҳукуқ назариясига асосан) ўзига ҳос объекти, субъекти ва предмети, шунингдек мазмунига эга. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бевосита декларациялаш жараёни билан боғлиқ вужудга келадиган божхона-ҳукукий муносабатларда иштирок этувчи субъектлар доираси 2 гуруҳга ажратилади, яъни бир томондан давлат божхона хизмати органлари, иккинчи томондан эса божхона ҳудуди орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахслар, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари.

Декларациялаш жараёнида товар ва транспорт воситаларини декларацияловчи шахслар доирасини ҳам ўз навбатида 2 классификацияга ажратиш мумкин:

- божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товар ва транспорт воситаларини бевосита ўзи декларацияловчи шахслар – декларантлар;
- божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товар ва транспорт воситалари эгасининг номидан декларацияловчи шахслар – божхона брокерлари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар ва божхона ташувчилари.

Ҳозирги глобллашув ва интеграциялашув жараёнида ҳеч бир ижтимоий муносабат (шу ўринда ҳукукий муносабатлар ҳам) ривожланишдан тўхтаб қолмайди. Ривожланиб бораётган ижтимоий муносабатлар тартибга солиб туришнинг янги тенденцияларини талаб қилади. Бу эса ўз-ўзида ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган янгидан-яни қонун ва қонуности ҳужжатларининг яратилиши, эскиларини бекор бўлиши ёки уларган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруриятини вужудга келтиради.

Келгусида декларациялаш жараёни билан амалдаги норматив-ҳукукий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, божхона-ҳукукий муносабатларда янгидан-янги имтиёз ва преференцияларини жорий этилиши божхона чегараси орқали ҳаракатланувчи шахслар, шунингдек импортёр ва экспортёрлари учун енгилликлар ва афзалликларни вужудга келтирилишига замин яратиши учун қуйидаги таклифларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- товар ва транспорт воситалари божхона расмийлаштирувида божхона брокерининг декларант ёки ваколатли шахс билан ўзаро муносабатлари шартнома

асосида йўлга қўйилади. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги “Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги 01-02/12-19-сонли Қарори қабул қилиниши муносабати билан божхона брокерлари ва декларантлар ўртасида тузиладиган ягона шартнома шакли ва стандартларини жорий қилиш лозим;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 14 июлдаги 01-02/20-29-сонли Қарори билан тасдиқланган “Божхона брокери тўғрисида”ги Низомнинг 5-қисми “г” бандида божхона брокери декларантнинг номидан божхона тўловларини тўлаш мажбуриятини олиши белгиланган, лекин Божхона кодексининг 295-моддаси 1-қисми 2-бандига мувофиқ эса, божхона тўловларини тўлаш мажбурият агар декларант билан тузилган шартномада белгиланган бўлса, божхона брокери томонидан тўланиши белгиланган. Мазкур икки норма ўртасидаги тафовутни бартараф этиш мақсадида “Божхона брокери тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиш, шунингдек божхона тўловларини божхона брокери томонидан тўлаш механизми ишлаб чиқилиши лозим;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 14 июлдаги 01-02/20-28-сонли Қарори билан тасдиқланган “Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисида”ги Низомнинг 8-банди 1-қисмига кўра, божхона расмийлаштируви мутахассис малака аттестатини олишга талабгор шахс ўрта-махсус ёки олий маълумотга эга бўлиши, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларда мутахассис сифатида камида бир йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар фаолиятини янада самарали равишда ташкил этиш мақсадида “Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, мазкур мутахассислик учун фақат олий маълумотга эга бўлишлик цензи ҳамда фақатгина ташқи иқтисодий фаолияти билан эмас, балки мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектда фаолият юритаётган шахслар божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис бўла олишлари тўғрисидаги норма жорий қилиниши лозим.

III БОБ. БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.

3.1. Божхона иттифоқининг (Россия – Белорусия - Қозоғистон) ташкил этилиши: бугуни ва келажак истиқболлари.

“Божхона иттифоқининг ташкил этилишида божхона органлари ва бизнес, сўзсиз, “ўтиш даври” муаммоларини бошдан кечиради...”, - дейди Россия Федерал Божхона Хизмати раҳбари Андрей Бельянинов 2009 йил 22 октябрда Москвада бўлиб ўтган Халқаро конференциядаги нутқида...

Мазкур фикрдан шуни англаш мумкинки, ҳар қандай давлат ёки тузилма бир даврдан иккинчи даврга “ўтиш босқичи”да бир қанча қийинчиликларни бошдан кечиради. Божхона иттифоқининг ташкил этилиши узок давом этган жараён бўлиб то ҳозирга қадар давом этиб келмоқда.

Божхона иттифоқи ўзида давлатлар ўртасида иштирокчи-давлатлар чегараларини бирлаштиришга, ўзаро божхона чегаралари ва тўсиқларини тугатишга, савдо муносабатларида бир-бирига нисбатан маъмурий чекловлар ва божхона тўловларини қўлламасликка, товар, хизматлар, ишчи кучи ва маблағлар эркин айланмасини таъминлашга, иштирокчи-давлатлар ички қонунчилигини унификациялаштиришга ва миллий ҳуқуқий тартибга солишни жорий қилишга қаратилган мақсадларни мужассамлаштиради.

Божхона иттифоқида давлатларнинг асосий вазифалари:

- бирлашаётган давлатлар чегараларида ягона божхона ҳудудини ташкил қилиши;
- бир-бирлари билан савдо муносабатларида тариф ва нотариф чекловларни қўлламасликни назарда тутувчи режимга этиши (норматив актлар билан аввалдан келишилган ҳолатлар бундан мустасно);
- иштирокчи-давлатларнинг ички чегараларида божхона назоратини батамом бекор қилиши;
- иқтисод ва савдо тартибга солишнинг бир хил типдаги механизмларидан фойдаланиши;
- Божхона иттифоқида ягона бошқарув органларининг ҳаракат қилиши (фаолият юритиши) ҳисобланади.

Божхона иттифоқига кирмайдиган давлатлар билан савдо алоқаларида уларга нисбатан:

- умумий божхона тарифини қўллаш;
- нотариф тартибга солишнинг ягона чораларидан фойдаланиш;
- ягона божхона сиёсатини олиб бориш ва ягона божхона режимларини қўллаш.

Иқтисодий бирлашувнинг интеграциялашуви давлатларнинг савдо алоқаларида бир-бирига нисбатан тариф ва нотариф чекловларни бекор қилишга асосланади, бу

эса қатнашувчи давлатларга доимо амалда афзалликларни яратади. Дунёда анча танилган ўзаро иқтисодий бирлашувни амалга оширган давлатлар кўп, жумладан 1994 йилда АҚШ, Канада ва Мексика бирлашиб, Шимолий Америка эркин савдо зонаси (НАФТА) ташкил этилди, 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай ўзаро бирлашиб Жанубий Америка умумий бозорини (МЕРКОСУР) вужудга келтирди, 1961 йилда ташкил этилди Гватемала, Никарагуа, Сальвадор, Гондурас, Коста-Рика қўшилган Марказий Америка умумий бозори (ЦАОР) яратилди. Энг машҳур бўлган иқтисодий ва сиёсий регионал бирлашув – Европа иттифоқи (Европейский Союз) бўлиб, уни ташкил этиш 1958 йил 1 январда бошланиб, 30 йилдан кўпроқ вақт давомида, 1993 йилда тугалланган.

1993 йил 24 сентябрда МДХ давлатлари доирасида ишлаб чиқилган “Иқтисодий иттифоқ тузиш тўғрисида”ги Шартнома қабул қилинган бўлиб, мазкур шартноманинг интеграциялашув жараёнида божхона иттифоқини тузиш ҳам назарда тутилган эди. 1995 йилга келиб кейинчалик бу таркибда Қозоғистон ва Қирғизистон қўшилган Россия Федерацияси ва Белорусия Республикалари ўртасида “Божхона иттифоқини тузиш тўғрисида”ги Келишув имзоланди. 1999 йил 26 февралга келиб Россия, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон “Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий макон тўғрисида”ги Шартноманинг иштирокчи давлатларига айланишди, мазкур шартномага Ўзбекистон 2006 йилдан қўшилди.

2006 йил 16 августда Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатлари раҳбарларининг норасмий саммитида Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатлари доирасида божхона иттифоқини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди, ва Россия, Қозоғистон ва Белорусияга Божхона иттифоқига шартномавий-ҳуқуқий базани яратиш топширилди. Бир йилдан кейин, 2007 йил 6 октябрдаги Евроосиё иқтисодий иттифоқи саммитида Божхона иттифоқига доир ҳуқуқий базани яратишга қаратилган ҳужжатлар мажмуаси (“Ягона Божхона ҳудудини ташкил қилиш ва Божхона иттифоқини шакллантириш тўғрисида”ги, “Божхона иттифоқи ҳайъати тўғрисида”ги Шартномалар; “Евроосиё иқтисодий иттифоқини тасъис этиш тўғрисида”ги шартномага ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги, “Божхона иттифоқини ташкил қилишга доир шартномавий-ҳуқуқий базага қўшилиш ва ундан чиқишга қаратилган халқаро шартномани кучга кириш тартиби тўғрисида”ги Протоколлар) қабул қилинди ва маъқулланди. Бундан ташқари, Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида Божхона иттифоқини тузиш бўйича ҳаракатлар Режаси тасдиқланди.

Божхона иттифоқининг шаклланиш жараёнининг кейинги босқичи 2010 йилга келиб бошланади:

– 2010 йил 1 январдан иттифоқчи давлатларда учинчи давлатларга нисбатан ташқи савдода ягона божхона тарифини (Ягона товар номенклатураси асосида) ва

ягона нотариф бошқаруви чораларини, шунингдек учинчи давлатлар товарларига нисбатан тариф имтиёзлари ва преференцияларини қўлланиши белгиланди;

– 2010 йил 1 июлдан Россия ва Қозоғистон, 6 июлдан эса Белорусия ҳудудида божхона расмийлаштируви ва божхона назорати бекор қилинди, шунингдек 6 июлдан Россия Федерацияси ҳудудида Божхона иттифоқи Божхона кодекси амал қила бошлади.

Ва ниҳоят, 2011 йил 1 июлга келиб, Божхона иттифоқининг ташкил этишнинг муҳим даври бўлди. Айнан шу даврга келиб Божхона иттифоқи давлатларининг ички чегараларида божхона назорати фактик жиҳатдан бекор қилинди. Россия Федерацияси давлат чегараси орқали ҳаракатланувчи товарларга нисбатан божхона назоратини ва бошқа божхона операцияларини амалга ошириш рус-қозоқчегараларидаги божхона органларида тўхтатилди. Рус-белорус хабарномаларни қабул қилиш чегара пунктларида учинчи давлат товарларига нисбатан транзит назоратини амалга ошириш алоҳида операцияларини бажариш бекор қилинди.

2012 йил 1 июлга келиб Ягона иқтисодий маконни ташкил қилиш якунланиши белгиланди. *Эркин савдо зонаси билан солиштирган ҳолда Божхона иттифоқини вужудга келтириш иштирокчи-давлатларга қуйидаги афзалликларни яратади:*

- Божхона иттифоқи ҳудуди чегараларида товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш ва транспортировкасида ҳаражатларни қисқартириш;
- маъмурий тўсиқ ва чекловлар билан боғлиқ бўлган вақтинчалик ва молиявий сарф-ҳаражатларни камайтириш;
- учинчи давлатдан товарлар олиб киришда амалга ошириладиган божхона тартиб-тамойиллари миқдорини қисқартириш;
- янги сотув бозорларини очиш;
- божхона нормаларини унификация қилишда божхона қонунчилигини соддалаштириш.

2010 йил 1 январга келиб Божхона иттифоқида бир қанча норматив ҳужжатлар, жумладан “Ягона божхона-тариф тартибга солиш тўғрисида”ги Келишув (2008 йил 25 январь), “Учинчи давлатлар билан боғлиқ муносабатларда ягона нотариф бошқарув чораларини қўллаш тўғрисида”ги Келишув (2008 йил 25 январь), “Тариф квоталари механизми ва шартларини қўллаш тўғрисида”ги Келишув (2008 йил 12 декабрь), “Истисно ҳолатларда Ягона божхона тариф ставкаларидан фарқланувчи олиб кириш божхона божларини қўллаш шартлари ва тартиби тўғрисида”ги Келишув (2008 йил 12 декабрь), “Тариф имтиёзларини тақдим этиш тўғрисида”ги Протокол (2008 йил 12 декабрь), “Божхона иттифоқи Ягона тариф преференцияси тизими тўғрисида”ги Протокол (2008 йил 12 декабрь), “Ташки савдо соҳасида товарларни лицензиялаш Қоидалари тўғрисида”ги Келишув (2009 йил 9 июнь), Божхона иттифоқи Ягона тақши иқтисодий фаолият товар номенклатураси, Божхона

иттифоқи Ягона бож тарифи кабилар кучга кириб, Божхона иттифоқида тариф ва нотариф бошқарув умумий тартибларини ўрнатди.

2010 йил 1 июлга келиб яна бир қатор, хусусан “Товарларнинг келиб чиқиш давлатини (ривожланаётган ва оз ривожланган) аниқлаш Қоидалари тўғрисида”ги Келишув (2008 йил 12 декабрь), Санитария чоралари бўйича Божхона иттифоқи Келишуви (2009 йил 11 декабрь), Ветеринария-санитария чоралари бўйича Божхона иттифоқи Келишуви (2009 йил 11 декабрь), “2008 йил 25 январдаги “Божхона иттифоқида товарлар экспорти ва импорти, бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун қўшимча солиқлар ундириш тамойиллари тўғрисида”ги Келишувга ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги Протокол (2009 йил 11 декабрь), “Божхона иттифоқида товарлар экспорти ва импорти учун қўшимча солиқлар ундириш ва улар тўланишини назорат қилиш механизмининг тартиби тўғрисида”ги Протокол (2009 йил 11 декабрь), “Божхона иттифоқида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қўшимча солиқлар ундириш тартиби тўғрисида”ги Протокол (2009 йил 11 декабрь) каби норматив актлар Божхона иттифоқи ҳудудида кучга кирди. Божхона иттифоқи Божхона кодексига тегишли 2009 йил 27 ноябрдаги “Божхона иттифоқи Божхона кодекси тўғрисида”ги Шартнома Россия ва Қозоғистон учун 2010 йил 1 июлдан, Беларусия учун эса 2010 йил 6 июлдан кучга кирди.

*Божхона иттифоқи билан таништириш жараёнида Божхона иттифоқига тегишли қўйидаги айрим рақамлар ва маълумотларни тақдим этиш ўринли бўлади*⁵⁹:

Божхона иттифоқи иштирокчи давлатлари

- ❖ Россия – 2010 йил 1 июлдан;
- ❖ Қозоғистон – 2010 йил 1 июлдан;
- ❖ Беларусия – 2010 йил 6 июлдан;
- ❖ Арманистон – 2014 йил 10 октябрдан (2015 йил 2 январдан кучга кирган);
- ❖ Қирғизистон – 2015 йил 8 майдан (2015 йил 12 августдан кучга киради).

Божхона иттифоқига киришга номзод давлатлар

- ❖ Сурия (2013 йил 20 октябрда Божхона иттифоқига кириш ниятини эълон қилган);
- ❖ Тунис (2015 йил 14 январдан Божхона иттифоқига кириш ниятини эълон қилган).

2012 йилда Евросиё Тараққиёт Банки Интеграциялашув тадқиқот маркази МДХнинг 10 давлати ва Грузияни ўз ичига олган ижтимоий сўров (хар бир давлатдан 950 дан 2000 гача овоз берувчи) ўтказди. Ижтимоий сўровда “Сиз, Божхона иттифоқини ташкил этувчи Россия, Қозоғистон ва Беларусия давлатлари

⁵⁹ www.eurasiancommission.org - ЕврАзЭС доирасида ташкил қилинган Божхона иттифоқининг расмий веб-сайти. Божхона иттифоқига оид барча маълумотлар шу сайтдан олинди.

Ўртасида савдони божлардан озод қилишга қандай муносабатдасиз?” мазмунидаги савол берилди ва жавоблар “ижобий”, “бефарқ” ва “салбий” каби категорияларда баҳоланди:

	ижобий	бефарқ	салбий
	% ларда		
Козоғистонда	80	10	5
Тожикистонда	76	17	2
Россияда	72	4	4
Ўзбекистонда	67	14	2
Қирғизистонда	67	15	8
Молдовада	65	20	7
Арманистонда	61	26	6
Белорусияда	60	28	6
Украинада	57	31	6
Озайбайжонда	38	46	11
Грузияда	30	39	6

Фикримча, Божхона иттифоқининг ташкил этилиши унга аъзо давлатларга ўзаро товар айирбошлаш ва савдо муносабатларида бир қанча ижобий ютуқларни олиб келиши баробарида айрим салбий ҳолатларни вужудга келтириш эҳтимоли мавжуд. Жумладан мазкур Божхона иттифоқида аъзо давлатлар ўртасида умумий божхона чегараси ҳамда ягона божхона расмийлаштируви ва божхона назоратининг жорий этилиши божхона чегараси орқали товар транспорт воситаларини олиб ўтаётган декларантларга бир қанча қулайликлар яратиб, расмийлаштириш муаммоларидан қутқаради. Лекин ягона божхона ҳудудининг ташкил этилиши унга аъзо давлатларнинг ички миллий маҳсулотлари рақобатдошлигига жиддий зарар келтириши мумкин. Глобаллашув шароитида янгидан-янги ижтимоий муносабатлар вужудга келиши оқибатида аҳолининг янги маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талаб даражаси ортиб боради, бу эса ўз ўрнида ушбу давлатда ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотдан кўра чет эл товарига нисбатан эҳтиёжни кучайтиради. Натижада давлатда экспорт салоҳияти пасайиб, импорт даражаси ошиб кетиб, давлатнинг ички бозорини ҳимоялаш сиёсатига жиддий путур етказди.

Мазкур фикрлардан келиб чиққан ҳолатда айтиш мумкинки, фикримча Ўзбекистон ўз олдида белгилаб олган “ўзбек модели” тамойилларини илгари сурган ҳолда аввало, миллий ички маҳсулот ҳажми ва рақобатдошлигини ошириб, ички бозорни тўла таъминлаши ва шунинг баробарида рақобатдош миллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўли билан импорт ҳажмини камайтириши, экспорт салоҳиятини ошириш лозим.

3.2. Божхона иттифоқида товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати ва расмийлаштируви.

Россия Федерациясида импорт қилинадиган товарларга нисбатан божхона назорати божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситалари Россия божхона чегарасини кесиб ўтказган вақтдан бошланиб, улар мамлакат хўжалиги айланмасига чиқарилган пайтдан якунланади.

Божхона назорати қўшимча қиймат солиғи бўйича божхона тўловлари ва йиғимларини тўлаш билан бўғлиқ бўлган иқтисодий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади, шунингдек давлат хавфсизлигини таъминлаш, ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш, халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига риоя қилиш мақсадларига бўғлиқ бўлади.

Товар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш товар ва (ёки) транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб кириш ёки бу ҳудуддан олиб чиқиш билан ўзаро бўғланган бир томондан манфаатдор шахслар, иккинчи томондан эса божхона органларининг ўзаро божхона-ҳуқуқий муносабатларга киришиши натижасида вужудга келадиган бир неча ҳаракатлар мажмуи билан алоқадор бўлади. Мазкур ҳаракатларни амалга ошириш мажбурияти товар ва транспорт воситаларини олиб кириш ва олиб чиқишдаги ўрнатилган чеклов ва тақиқларга риоя қилиш, олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш мақсадини аниқлаш, божхона божлари ва солиқларни тўлаш билан бўғлиқ бўлган *божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишнинг умумий ҳуқуқий мақоминини* белгилайди. Божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш Божхона иттифоқи Божхона кодекси, Россия Федерациясининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Божхона расмийлаштируви – товарларга нисбатан божхона тартиб-тамойилларини қўллаш, товарларни танланган божхона режими остида то бу режим тугаллангунга қадар олиб ўтиш, шунингдек божхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш ва ундириш учун Божхона иттифоқи Божхона кодекси талабларини бажаришга қаратилган ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади⁶⁰.

Божхона операциялари тушунчаси товарларнинг ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувида товарларга ва транспорт воситаларига нисбатан божхона органларининг мансабдор шахси ва (ёки) ваколатли шахс томонидан амалга ошириладиган ҳаракатни ифодалайди. Божхона операциялари товарларга нисбатан божхона тартиб-тамойилларининг қўлланилишига қараб гуруҳларга ажратилиши мумкин. *Божхона тартиб-тамойиллари* деганда божхона чегараси орқали олиб

⁶⁰ Таможенное право России: Учебник / Отв. ред. Н.И. Химичева. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрист, 2010. Стр. 203.

ўтиладиган товар ва транспортларга нисбатан божхона мақсадлари учун амалга ошириладиган божхона операциялари мажмуи тушунилади.

Божхона иттифоқи божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситаларининг барча турлар божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши шарт. Мазкур нормани шундай таҳлил этиш лозимки, агар товар ва транспорт воситалари Россия Федерацияси божхона чегарасидан олиб ўтиладиган бўлса, божхона расмийлаштируви ва божхона назорати мазкур ҳудудда амалга оширилади ва то Қозоғистон ёки Беларусия товар ва транспорт воситалари етиб боргунга қадар бошқа божхона расмийлаштируви ва божхона назорати амалга оширилмайди.

Божхона иттифоқида қуйидаги божхона тартиб-тамойиллари белгиланади⁶¹:

1. *Товарлар декларациясини топширишдан аввалги божхона тартиб-тамойиллари*: товар ва транспорт воситаларининг Россия Федерацияси божхона чегарасига етиб келиши; ички божхона транзити; товарларни вақтинча сақлашга жойлаштириш.

2. Товарларни дастлабки божхона декларациялаш.

3. Товарларни божхона декларациялаш.

4. *Товарлар божхона декларациялашдан кейин амалга ошириладиган божхона операциялари ва божхона тартиб-тамойиллари*: товарларни Россия Федерацияси божхона ҳудудидан чиқиб кетиши; товарларни чиқариб юбориш бўйича божхона органлари олдидаги мажбуриятларга риоя қилиш.

5. *Божхона режими тугалланишини расмийлаштириш*: товар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишгача бўлган бир қанча божхона операцияларини амалга ошириш; божхона расмийлаштирувини амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-тамойилларини қўллашга божхона органидан рухсат олиш; божхона муҳрлари ва пломбалари остида ташиладиган товарлар бўлиши эътимоли мавжуд бўлган транспорт воситаларига гувоҳнома олиш.

Божхона расмийлаштируви жойи ва вақти

Умумий қоидага кўра товарлар божхона расмийлаштируви божхона органлари жойлашган ерда ва ушбу органларларнинг иш вақтида амалга оширилади. Божхона иттифоқи Божхона кодексининг 406 ва 407-моддалари талабларига асосан товар декларанти ёки манфаатдор шахсининг мурожаати билан божхона расмийлаштируви товарлар жойлашган жойда ва божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтда амалга оширилиши мумкин. Божхона расмийлаштирувини божхона органи жойлашган ердан ва ушбу органлар иш вақтидан ташқари вақтда амалга ошириш

⁶¹ Таможенное право: Учебник / С.В. Безуглов. – Краснодар, 2013. Стр. 174.

учун божхона органи рахбари ёки, унинг ўрнини босувчи мансабдор шахснинг ёзма розилиги талаб этилади⁶².

Божхона расмийлаштирувининг бошланиши

Божхона расмийлаштируви бошланади:

товарларни олиб киришда – божхона органига дастлабки декларацияни тақдим этган ёки манфаатдор шахс томонидан товар ва транспорт воситасини божхона чегарасидан олиб кириш истаги борлиги тўғрисида оғзаки ариза берган вақтдан;

товарларни олиб чиқишда - божхона декларациясини тақдим этган ёки манфаатдор шахс томонидан товар ва транспорт воситасини божхона чегарасидан олиб чиқиш истаги борлиги тўғрисида оғзаки ариза берган вақтдан;

Товарларга нисбатан божхона тартиб-тамойилларини қўллаш, божхона тўловларин ҳисоблаб чиқариш ва ундириш учун Божхона иттифоқи Божхона кодексида назарда тутилган божхона операциялари амалга оширилган вақтдан эътиборан **божхона расмийлаштируви тугалланади.**

Божхона органининг божхона операцияларини амалга ошириш учун рухсат бериши⁶³

Россия Федерал божхона хизмати қуйидаги шахсларга божхона расмийлаштирувида **махсус соддалаштирилган тартибни белгилашга** ҳақли:

1) божхона органига мурожаат қилган кунга қадар РФ МЖТК нинг қуйидаги моддаларида:

- 16.1-модда – Халқаро ташишда ноқонуний равишда Божхона иттифоқи чегарасидан товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш;
- 16.2-модда – Товарларни декларацияламаслик ёки мавжуд бўлмаган товарларни декларациялаш;
- 16.3-модда – Божхона иттифоқи ёки Россия Федерацияси божхона чегарасидан товар ва транспорт воситаларини олиб кириш ёки олиб чиқишда ўрнатилган чеклов ва тақиқларга риоя қилмаслик;
- 16.9-модда – Божхона органларига товар ёки унга тегишли ҳужжатларни тўлиқ топширмаслик;
- 16.15-модда – Божхона органига мажбуриятномани тақдим этмаслик;
- 16.17-модда – Божхона декларацияси топширгунга қадар товарларни чиқариб юбориш учун мавжуд бўлмаган ҳужжатларни тақдим этиш;
- 16.20-модда – Шартли чиқариб юборилган ёки банд солинган товардан ноқонуний равишда фойдаланиш;

⁶² Приказом ГТК РФ от 1 декабря 2003 г. № 1368 утверждены перечни таможенных органов, правомочные принимать таможенные декларации.

⁶³ Таможенный кодекс Таможенного союза (приложение к Договору о Таможенном кодексе Таможенного союза принятому Решением Межгосударственного Совета ЕврАзЭС на уровне глав государств от 27.11.2009 №17, ред. от 10.10.2014). Статья 53.

– 16.22-модда – Божхона тўловларини тўлаш муддатларини бузиш каби маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этмаган шахслар.

2) камида 3 йил ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланган шахслар.

Товарларни божхона декларацияланишидан аввалги божхона операциялари ва тартиб-тамойиллари

Товарларни божхона ҳудудига етиб келиши⁶⁴

Товар ва транспорт воситаларини Божхона иттифоқи божхона ҳудудларига етиб келиши Россия Федерациясининг Давлат чегаралидан ўтказиш пунктлари орқали божхона органларининг иш вақтида уларнинг рухсати билан амалга оширилади. Россия Федерацияси божхона ҳудудининг бошқа жойлари орқали товар ва транспорт воситаларини олиб кириш Россия Федерациясининг “Давлат чегаралари тўғрисида”ги Федерал қонунига кўра амалга оширилади. Ташувчи божхона чегарасини кесиб ўтганидан сўнг олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситаларини ўтказиш пункти ёки божхона органи томонидан кўрсатилган бошқа ерга олиб келиши талаб этилади. Бунда товарларнинг ҳолатини ўзгартиришга ёки уларнинг ўрнини бузишга, шунингдек қўйилган пломбаларга, муҳрларга ва божхона идентификациясининг бошқа воситаларига шикаст етказилишига йўл қўйилмайди. Мазкур талаблар Россия Федерацияси ҳудудида жойлашган денгиз (дарё) портида ёки аэропортда тўхтамасдан божхона ҳудудини кесиб ўтадиган дарё ва ҳаво кемаларига нисбатан қўлланилмайди.

Россия Федерацияси божхона ҳудудига товар ва транспорт воситаларии олиб кираётган халқаро ташиш фаолиятини амалга оширувчи ташувчи божхона органларига транспорт воситаси тўғрисидаги зарур маълумотларни ва ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Автомобиль транспортида халқаро ташишни амалга оширганда ташувчи бу ҳақида божхона органига транспорт воситасига тегишли бўлган ҳужжатлари, халқаро товар-транспорт накладнойи ваолиб ўтилаётган товарнинг тижорат ҳужжатларини тақдим этиш орқали хабар беради. *Денгиз (дарё) транспортида* халқаро ташишни амалга оширганда ташувчи бу ҳақида божхона органига умумий декларация, юк тўғрисидаги декларация, кема ашё-анжомлари тўғрисидаги декларация, кема экипажининг шахсий буюмлари тўғрисидаги декларация, кема хизматчиларининг рўйхати, кема ашё-анжомлари тўғрисидаги декларация, кема экипажининг шахсий буюмлари тўғрисидаги декларация, кема хизматчиларининг рўйхати, йўловчилар рўйхати, халқаро почта жўнатмаларини кузатиб бориш учун Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар, коносамент ва товарларни халқаро ташиш шартномасини тақдим этиш орқали хабар беради. *Ҳаво*

⁶⁴ Таможенный кодекс Таможенного союза (приложение к Договору о Таможенном кодексе Таможенного союза принятому Решением Межгосударственного Совета ЕврАзЭС на уровне глав государств от 27.11.2009 №17, ред. от 10.10.2014). Глава 23. Статьи 156-161.

транспортда халқаро ташишни амалга оширганда ташувчи бу ҳақида божхона органига фуқаро авиацияси соҳасидаги келишувларда назарда тутилган ташувчининг стандарт ҳужжатлари (бош декларация), ҳаво кемаси бортида ташувда олиб кетилаётган товарлар тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган ҳужжатлар (юк қайдномаси), борт анжомлари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган ҳужжатлар, авиа юк хати, ҳаво кемаси бортидаги пассажирлар ва уларнинг багажлари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган ҳужжатлар (пассажир қайдномаси), Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларида белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш орқали хабар беради. *Темир йўл транспортда* халқаро ташишни амалга оширганда ташувчи бу ҳақида божхона органига темир йўл юк ҳужжатлари (накладной), ташувчи томонидан ташилаётган товарларнинг тижорат ҳужжатларини тақдим этиш орқали хабар беради.

Ташувчи олиб келинаётган товар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни божхона оргаларига то мазкур товарлар амалда етиб келгунга қадар тақдим этишга ҳақли, товар ва транспорт воситалари тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотларни ташувчининг номидан бошқа манфаатдор ёки ваколатли шахс тақдим этиши мумкин. Товар ва транспорт воситалари етиб келганидан кейин божхона органи тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларни фактик ҳолатлар билан солиштириш мақсадида танланган божхона режими ёки ички божхона транзити асосида товарларни тушириш ёки қайта юклаш, шунингдек вақтинчалик сақлаш омборига жойлаштириш ҳаракатларини амалга оширади. Етиб келган товарлар божхона органига тақдим этилган вақтдан бошлаб улар вақтинча сақлашга жойлаштирилган товар мақомини олади. Вақтинча сақлаш муддати тугагунига қадар божхона органи товарга нисбатан Божхона иттифоқи Божхона кодексида назарда тутилган тартибда божхона операциялари ва божхона тартиб-тамойилларини амалга оширади.

Ички божхона транзити

Ички божхона транзити –Россия Федерацияси божхона ҳудудида божхона божлари, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чораларини қўлламаган ҳолда чет эл товарларини ташиш билан боғлиқ бўлган божхона тартиб-тамойили ҳисобланади. Ички божхона транзити божхона органи томонидан товарларни ички божхона транзитига юборишга рухсат берган вақтдан бошланиб, божхона органи томонидан ички божхона транзити расмийлаштирувини тугаллашни белгилаган вақтдан тамомланади. *Ички божхона транзити қуйидаги ҳолларда қўлланилади:*

- товар ва транспорт воситалари етиб келган Россия Федерацияси божхона ҳудуди жойлашган ердаги божхона органидан то божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган божхона органи жойлашган ергача товарлар ва транспорт воситаларини ташишда (етказиб олиш);

- товарлар ва транспорт воситалари божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган божхона органи жойлашган ердан то Россия Федерацияси божхона ҳудудининг товарлар ва транспорт воситаларини импорти амалга ошириладиган чегарасигача ташишда (етказиб бериш);

- товарларни божхона омборлари ва вақтинча сақлаш омборлари ўртасида ташишда;

- товарларга нисбатан божхона тўловлари тўланиши назарда тутилмаган бошқа ҳолларда товарларни ташишда.

Ички божхона транзити амалга ошириш тартиблари қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

- ҳаво транспорти орқали ташилаётган товарларга;

- қувур транспорти ёки электр узатиш линиялари орқали ташилаётган товарларга.

Агар товар ва транспорт воситалари автомобиль, темир йўл ва денгиз (дарё) транспорти орқали ички божхона транзитида ташилаётган бўлса, мазкур товар ва транспорт воситаларни ташишга 2000 км масофа учун 1 (бир) ой, агар ҳаво транспорт орқали ташилаётган бўлса, ички божхона транзитига рухсат берилган кундан эътиборан 3 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилиши лозим. Ички божхона транзити орқали товар ва транспорт воситаларини етказиб бериш жойи транспорт (етказиб бериш) ҳужжатларида кўрсатилган манзил тўғрисида божхона органига хабар бериш орқали белгиланади. Товарларни етказиб бериш жойи божхона органи томонидан белгиланадиган божхона назорат зонаси ҳисобланади. Агар ички божхона транзити бўйича етказиб бериш жойи ўзгарган тақдирда, ташувчи товарларнинг етказиб бериш жойи ўзгарганлиги тўғрисида йўлида учраган истаган божхона органига ариза орқали мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун ташувчи божхона органига топширадиган аризасида белгиланган етказиб бериш жойи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва Божхона иттифоқи Божхона кодексида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни илова қилиши лозим. Товар ва транспорт воситалари белгиланган жойга етказиб келинганидан кейин ташувчи божхона органига транзит декларацияси ва товар кузатув ҳужжатларини тақдим этиши талаб этилади. Шундан сўнг божхона органи 2 соатдан кечиктирмасдан товар ва транспорт воситалари етиб келганлик фактини рўйхатга олиши ҳамда товар ва транспорт воситалари етиб келган вақтдан бошлаб 24 соат ичида уларнинг етиб келганлиги тўғрисидаги ёзма тасдиқномани расмийлаштириши лозим. Ички божхона транзити тартиб-тамойилларига асосан товарларнинг ташилиши ҳар қандай ташувчи, жумладан оддий (одатий) ташувчилар, масалан ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари, ўз фаолиятини халқаро конвенциялар

асосида амалга оширувчи, халқаро ташувчи мақомига эга бўлган транспорт ташкилотлари, божхона ташувчилари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Товарларни вақтинча сақлаш⁶⁵

Товарларни вақтинча сақлаш – Россия Федерациясининг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллаган ҳолда чет эл товарларига нисбатан божхона божлари, солиқлар ва бошқа иқтисодий сиёсат чоралари (чеклов ва тақиқлар)ни қўлламасдан то уларни танланган божхона тартиб-тамойиллари асосида чиқариб юборилгунига қадар сақлашни назарда тутувчи божхона тартиб-тамойили ҳисобланади. Товарларни вақтинча сақлаш вақтинча сақлаш омборларида амалга оширилади. *Вақтинча сақлаш омбори* – Божхона иттифоқи Божхона кодекси талабларидан келиб чиққан ҳолда товарларни вақтинча сақлаш мақсадлари учун белгиланадиган махсус бино (иншоот) ёки очик майдон бўлиб, вақтинча сақлаш омбори божхона назорати зонаси ҳисобланади. Товарлар Божхона иттифоқи Божхона кодекси талабларига асосан исталган вақтинча сақлаш омборларига жойлаштирилиши мумкин. Товарларни вақтинча сақлаш омборларида сақлаш муддати 2 ойни ташкил этиб, қонун ҳужжатларига биноан бу муддат 4 ойгача узайтирилиши мумкин. Тез бузиладиган товарлар уларнинг фойдаланиш муддати ва сифатига асосан, 2 ойдан ортиқ бўлмаган муддатларда сақланишига йўл қўйилади. Вақтинча сақлаш *очик* ва *ёпиқ* турдаги вақтинча сақлаш омборларига ажратилади. Очик турдаги вақтинча сақлаш омбори ҳар қандай шахслар томонидан фойдаланиши мумкин бўлган ҳар қандай товарларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Ёпиқ турдаги вақтинча сақлаш омбори алоҳида талаблар ва товар айланмаси чекланган шартлар асосида товарларни сақлашга мўлжалланган омбор ҳисобланади. Вақтинча сақлаш омборининг эгаси *вақтинча сақлаш омборлари реестрига* киритилган Россия Федерациясининг ҳар қандай юридик шахси бўлиши мумкин. Вақтинча сақлаш омбори реестрига киритилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома 5 йил давомида амал қилади. Агар вақтинча сақлаш омборида турган товарлар авария оқибатида, енгиб бўлмас куч таъсирида ёки сақлаш шартлари бузилган ҳолларда яроқсиз ҳолга келса, вақтинча сақлаш омборининг эгаси божхона божлари ва солиқларни тўлаш мажбуриятини зиммасига олмайди.

Товарлар Россия Федерацияси божхона ҳудудидан чиқиб кетиши

Товарларни Россия Федерацияси божхона ҳудудидан чиқариб юбориш Россия Федерациясининг давлат чегаралари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган Давлат чегарасидан ўтказиш пунктлари орқали божхона органларининг иш вақтида амалга оширилади. Мазкур талаблар Россия Федерацияси ҳудудида жойлашган денгиз (дарё) портида ёки аэропортда тўхтамасдан божхона ҳудудини

⁶⁵ Таможенный кодекс Таможенного союза (приложение к Договору о Таможенном кодексе Таможенного союза принятому Решением Межгосударственного Совета ЕврАзЭС на уровне глав государств от 27.11.2009 №17, ред. от 10.10.2014). Глава 25. Статьи 167-172.

кесиб ўтадиган дарё ва ҳаво кемаларига нисбатан қўлланилмайди. Товарларни чиқиб кетиши божхона органининг рухсати билан амалга оширилади. Товар ва транспорт воситалари божхона ҳудудидан чиқиб кетгунига қадар ташувчи халқаро ташиш остидаги товар ва транспорт воситалари тўғрисидаги зарур маълумотлар ва ҳужжатларни божхона органига тақдим этиши лозим. Товарларни транспорт воситасига юклаш божхона органи томонидан божхона декларацияси қабул қилинганидан сўнг амалга оширилади, истисно ҳолартларда, агар товарлар божхона кўригидан ўтиши талаб қилинмаса, шуниндек халқаро божхона транзити остида ташилаётган бўлса, товарлар божхона декларацияси қабул қилингунига қадар ҳам транспорт воситаларига ортилиши мумкин. Божхона иттифоқи Божхона кодексига талабларига биноан божхона органи манфаатдор шахснинг мурожаатига асосан божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтда ҳам товарларни юклашга рухсат бериши мумкин.

Россия Федерациясининг божхона ҳудудидан товарларни чиқиб кетиши қўйидаги талабларга асосан амалга оширилади:

1) товарлар Россия Федерациясининг божхона ҳудудидан улар танланган божхона режими жойлаштирилган пайтда қандай миқдор ва ҳолатда бўлган бўлса, шундайлигича олиб чиқиб кетилиши лозим, ташиш ва сақлаш вақтида товарлар миқдори ёки ҳолатининг табиий камайиши бундан мустасно;

2) Россия товарлари товарлар миқдорининг кўпайиши туфайли, танланган божхона режимида жойлаштирилган миқдордан кўра камроқ миқдорда олиб чиқиб кетилиши мумкин;

3) Декларантнинг мурожаатига асосан божхона органи товарларни чиқиб кетиш вақтида олиб чиқиб кетилаётган товарларнинг фактик миқдорини тасдиқлайди.

Товарларни божхона декларациялаш ва чиқариб юбориш

*Декларациялаш*⁶⁶—бу божхона органига товарлар, уларнинг божхона режимлари ва бошқа маълумотлар тўғрисидаги охзаки, ёзма ёки конклюдент шаклдаги божхона декларациясини тақдим этиш.

Ҳозирги вақтида Россия Федерациясида асосан электрон ва ёзма шаклдаги божхона декларациялаш шакллари қўлланилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш соҳасида товар декларациясини қўллаш жорий этилган. Товар декларациясини топшириш билан бир вақтда божхона мақсадлари учун уларнинг қоғоз ва электрон форматдаги шакллари топширилади. Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчисининг тановига биноан товарлар бевосита декларант ёки божхона брокери томонидан декларацияланиши мумкин. Россия Федерациясига олиб кирилаётган

⁶⁶ Таможенный кодекс Таможенного союза (приложение к Договору о Таможенном кодексе Таможенного союза принятому Решением Межгосударственного Совета ЕврАзЭС на уровне глав государств от 27.11.2009 №17, ред. от 10.10.2014). Статья 179. Часть 2.

товарга нисбатан божхона декларацияси товар божхона ҳудудига кириб келиш жойида божхона органига тақдим этилган кундан эътиборан 2 ойдан кечиктирмаган муддатда ёки ички божхона транзитининг тугаш муддатида божхона органига топширилиши мумкин.

Божхона декларацияси божхона чегарасидаги ёки Россия Федерациясининг Давлат чегарасида жойлашган исталган божхона органига топширилиши мумкин. *Истисно ҳолларда Россия Федерацияси Божхона хизмати алоҳида турдаги товарларни декларациялаш учун қуйидаги ҳолларда конкрет божхона органини белгилаши мумкин:*

- махсус билимлар ва махсуслаштирилган жиҳозларни қўллаш зарурати;
- алоҳида турдаги транспорт воситасини (кувур транспорти ва электр узатиш линиялари) қўллаш зарурати;
- “хавф гуруҳи”га тааллуқли товарларга нисбатан (божхона ҳуқуқбузарлиги предмети бўлган товарлар, чеклов ва тақиқ ўрнатилган товарлар);
- РФ Ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга асосан (интеллектуал мулк объектлари ҳисобланган товарлар).

Ташиқ иқтисодий фаолият иштирокчилари қуйидаги тартибда товарларни декларациялаши мумкин:

- товарларни дастлабки божхона декларациялаш⁶⁷;
- тўлиқ бўлмаган божхона декларациялаш (ўрнатилган чекловларга риоя қилиниши тасдиқловчи маълумотлар билан бирга);
- мавсумий божхона декларациялаш.

Товарларни *дастлабки божхона декларациялаш*⁶⁸ чет эл товарлари РФ божхона ҳудудига етиб келгунига қадар ёки ички божхона транзити тугагунга қадар товарлар декларацияланиши амалга ошириш имконини беради. Товарлар РФ божхона ҳудудига етиб келгунига қадар божхона божлари ва солиқ суммаларини тўланиши ва декларацияни текширишнинг тугулланиши келгусида декларация товарларга нисбатан божхона тартиб-тамойилларини қўллашга асос бўлувчи ягона ҳужжат эканлигини англатади. Божхона декларацияси бошқа зарурий ҳужжатларни топширилиши божхона органи томонидан қабул қилинганлик фактини тасдиқлайди. Декларация топширувчи шахснинг мурожаати билан божхона органи дарҳол божхона декларацияси ва бошқа зарурий ҳужжатларни қабул қилганлик тўғрисида ёзма тасдиқнома беради. Агар декларант ўзига тааллуқли бўлмаган ҳолатда божхона декларациясини тўлдириш учун зарур маълумотларга эга бўлмаган тақдирда, унган

⁶⁷ Таможенный кодекс Таможенного союза (приложение к Договору о Таможенном кодексе Таможенного союза принятому Решением Межгосударственного Совета ЕврАзЭС на уровне глав государств от 27.11.2009 №17, ред. от 10.10.2014). Статья 193.

⁶⁸ Об использовании предварительной таможенной декларации при оформлении процедуры внутреннего таможенного транзита см.: письмо ГТК РФ от 18 мая 2004 г. № 01-06/17822.

тўлиқ бўлмаган божхона декларациясини тўлдириш имконияти берилиш мумкин ва мазкур декларация олиб ўтиладиган товар ва транспорт воситалари учун божхона божларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун асос бўлади. Бунинг учун декларант тўлиқ бўлмаган божхона декларациясини топширган кундан эътиборан божхона органи томонидан белгиланадиган чет эл товарлари учун 45 кунлик (Россия товарлари учун 8 ой) муддатдан кечиктирмаган ҳолда етишмовчилик мавжуд бўлган маълумотларни тақдим этиш тўғрисида ёзма мажбурият олади.

Қуйидаги ҳолларда божхона декларацияси божхона органи томонидан қабул қилинмайди:

- божхона декларацияси қабул қилиш ваколатига эга бўлмаган божхона органига тақдим этилганида;
- божхона декларацияси қабул қилиш ваколатига эга бўлмаган шахсга топширилганида;
- божхона декларацияси намунавий тартибда расмийлаштирилмаганда;
- декларацияга тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлмаганида (алоҳида ҳужжатлари топшириш учун божхона органидан ёзма рухсатнома олганлик бундан мустасно);
- декларациялашгача ёки декларациялаш бир вақтда амалга ошириладиган ҳаракатлар амалга оширилмаганида.

Товарларни чиқариб юбориш⁶⁹

Товарларни чиқариб юбориш - божхона органларининг божхона расмийлаштирувини якунловчи ва маълум қилинган божхона режими шартларидан келиб чиққан ҳолда товарлардан фойдаланишга ва (ёки) уларни тасарруф этишга рухсат берилганлигини ифодаловчи ҳаракати ҳисобланади.

Товарларни чиқариб юбориш божхона органи томонидан қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

- агар товарлар божхона расмийлаштируви ва товарлар назоратдан ўтказишда божхона органи томонидан Россия Федерациясининг божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилмаган деб топилса;
- РФ нинг халқаро шартномалари ёки ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган чекловлар, тақиқлар ва иқтисодий сиёсат чораларига риоя этилишини тасдиқловчи ҳужжатлар божхона органига топширилган бўлса;
- агар декларант танланган божхона режими остида товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш шартларига риоя қилган ёки божхона кодексида кўрсатилган божхона тартиб-тамойилларини амалда оширишда ҳозир бўлган бўлса;

⁶⁹ Таможенный кодекс Таможенного союза (приложение к Договору о Таможенном кодексе Таможенного союза принятому Решением Межгосударственного Совета ЕврАзЭС на уровне глав государств от 27.11.2009 №17, ред. от 10.10.2014). Глава 28. Статьи 195-201.

– агар товарга нисбатан божхона божлари ва солиқлар тўланган, шунингдек божхона тўловларини тўлаш таъминланган бўлса.

РФ божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларни экрин муомалага чиқариш божхона тўловлари ва солиқлар тўланиб, божхона органининг ҳисобрақамига тушгандан сўнг рухсат берилади. Божхона органи декларант ёки манфаатдори шахсдан тўлов суммалари божхона органи ҳисобрақамига тушганлигини тасдиқловчи ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилишга ҳақли эмас, аксинча, божхона органининг ўзи манфаатдор шахснинг талаби билан пул маблағлари божхона органининг ҳисобрақамига келиб тушганлиги тўғрисидаги маълумотни тақдим этиши лозим.

Қуйидагилар шартли чиқариб юборилган товарлар ҳисобланади:

- РФ нинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар берилганлиги муносабати билан фойдаланилиши ва тасарруф этилиши чекланган товарлар;
- бож олинмайдиган савдо, божхона ҳудудида қайта ишлаш, ички фойдаланиш учун қайта ишлаш, вақтинча олиб кириш, реэкспорт, халқаро божхона транзити божхона режимларига жойлаштирилган товарлар;
- зарур ҳужжатлар (бундан мувофиқлик сертификати ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатлар мустасно) ва маълумотлар тақдим этилмаган товарлар.

РФ нинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига асосан зарур ҳужжатлар (бундан мувофиқлик сертификати ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатлар мустасно) ва маълумотлар тақдим этилмаган товарлар шартли чиқариб юборилганлиги сабабли уларни учинчи шахсларга бериш, шу жумладан уларни сотиш ёки ўзга усулда бошқа шахсга ўтказиш орқали бериш тақиқланади. Шартли чиқариб юборилган товарлар чет эл товари мақомини олади. Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилган ҳолда эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига мувофиқ расмийлаштирилган товарлар ҳам шартли чиқариб юборилган товарлар жумласига киритилади.

Қуйидаги ҳолатларда товарларни шартли чиқариб юбориш амалга оширилмайди:

- агар божхона органи декларациялаш жараёнида товарларнинг божхона тўлови ва солиқлар миқдорига таъсир кўрсатадиган нотўғри маълумотлар тақдим этилганлигини аниқласа;
- агар божхона органи декларациялаш жараёнида товарларнинг божхона тўлови ва солиқлар тўланганлигини тасдиқловчи ишончсиз маълумотлар тақдим этилганлик аломатларини аниқласа;

– агар божхона органи РФнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан товарларни божхона декларациялаш чоғида товарлар чеклов ва тақиқларни белгиловчи талабларга кўра ишончсиз маълумотлар тақдим этилганилигини аниқласа.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёнида давлатларнинг ривожланиб, иқтисодий салоҳиятини ўсиши давлат функцияларини амалга ошириш баробарида бошқа давлатлар билан амалга ошириладиган ташқи савдо ва товар айирбошлаш муносабатлари билан уйғунлашади. Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган давлатлари иқтисодий кудратини ошириш мақсадида турли иқтисодий тузилмаларга бирлашмоқдалар. Мазкур иқтисодий тузилмалардан бири сифатида юқорида келтирилган дастлаб Россия, Белорусия ва Қозоғистон ўртасида тузилган Божхона иттифоқини кўриш мумкин. Ушбу иқтисодий иттифоқларнинг тузишдан асосий мақсад шуки, унга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро иқтисодий ва товар айирбошлаш муносабатларида мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек биргаликда иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувини Божхона иттифоқида амалга ошириладиган божхона расмийлаштируви билан таққосладиган бўлсак, айтиш жоизки, айнан Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари деярли бир хил, ягона фарқли жиҳати сифатида шуни келтириш мумкинки, Россия Федерацияси ҳудуд жиҳатидан катта давлат бўлганлиги ва божхона органлари ҳамда божхона операциялари тизимининг мураккаблиги сабабли, ягона яққол кўзга ташланувчи фарқи – бу Россия Федерациясида ички божхона транзитининг қўлланилишидир. Бу мазкур федерацияси ҳудудида кўплаб субъект-давлатлар мавжудлиги билан ифодаланади.

Ҳеч бир нарса мукамал бўлмагани сингари, давлатлар ўртасидаги иттифоқлар ҳам бир қанча афзалликларни вужудга келтириш баробарида, қатор салбий таъсирларни ҳам вужудга келтириши мумкин. Биргина Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида тузилган Божхона иттифоқи мисолида оладиган бўлсак, унинг афзаллиги шундаки, унга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ва товар айирбошлаш муносабатларида ҳамкорлик доирасида ягона божхона чегаралари, ягона божхона расмийлаштируви ҳамда ягона божхона назорати ўрнатилади, лекин мазкур иттифок ҳамкорлиги орқали давлатларда чет эл товарига бўлган эҳтиёж ҳажми ортиб, бунинг натижасида миллий ички бозорда товар айланмиси, товарларнинг рақобатдошлик даражаси, энг асосий экспорт ҳажми кескин тушиб кетиши мумкин.

Шунинг замирида, фикримча, мазкур иттифоқга қўшилиш масаласини Ўзбекистон микёсида олиб қараладиган бўлса, Ўзбекистоннинг мазкур Божхона иттифоқига қўшилиши Ўзбекистон шароитида ҳали эрта, чунки мамлакатимизда божхона сиёсатининг асосий мақсадларидан бири ички бозорни ҳимоялаш бўлиб, биз, аввало, ички бозорни ҳимоялаш баробарида миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамжмини ва унинг чет эл товарларига нисбатан рақобатдошлигини оширишимиз,

ички бозорни миллий маҳсулот билан тўла таъминлашимиз, шу билан биргаликда рақобатдош товарлар ишлаб чиқариш орқали импорт ҳажмини камайтириб, экспорт салоҳиятини оширишиз даркор.

Мазкур битирув малакавий иши орқали Ўзбекистон Республикасида божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тартиб-тамойиллари, шунингдек уларни Божхона иттифоқида божхона расмийлаштируви билан ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлари таҳлил этилиб, божхона расмийлаштирувини янада самарали йўлга қўйиш муносабати билан қуйидаги умумлаштирилган таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Божхона расмийлаштируви божхона-ҳуқуқий муносабатларидан бири бўлиб ва унда тарафлар (декларант ва божхона ходими) иштирок этганлиги сабабли мазкур тушунча - божхона-ҳуқуқий муносабатлардан бири бўлиб, божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда декларант ва божхона органи ходими томонидан биргаликда амалга ошириладиган операциялар мажмуи сифатида баён этилиши ҳамда мазкур тушунча ифодаловчи бир қатор божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жумладан Божхона кодексига ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Аввалги таҳрирдаги Божхона кодексига божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар алоҳида боб сифатида ифодаланганлиги ҳозирда амалда бўлган Божхона кодексига нисбатан анча тушунарлироқ ва қулайлик томонлари кўп бўлганлиги сабабли Божхона кодексига ўзгартириш киритилиб, божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар қайта боб ёки параграф сифатида баён этилиши келгусида декларациялаш субъектларига бир қанча қулайликларни вужудга келтиради.

3. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида айнан қайси товарларга нисбатан божхона расмийлаштирувида соддалаштирилган тартибнинг қўлланилиши, товарлар аниқ (номма-ном) кўрсатилмаганлиги сабабли аниқ белгиланган товарларга нисбатан божхона расмийлаштирувида соддалаштирилган тартибнинг қўлланилишини ифодаловчи алоҳида Рўйхат (перечень) ишлаб чиқилиши кейинчалик божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларга нисбатан божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган тартибини қўллашда енгилликлар яратади.

4. Товар ва транспорт воситалари божхона расмийлаштирувида божхона брокерининг декларант ёки ваколатли шахс билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги “Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги 01-02/12-19-сонли Қарори қабул қилиниши муносабати билан божхона брокерлари ва декларантлар ўртасида тузиладиган ягона шартнома шакли ва стандартларини жорий қилиш

лозим. Мазкур ислохотнинг жорий қилиниши, божхона соҳасида қўлланиладиган ҳужжатлар ягона стандартини яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 14 июлдаги 01-02/20-29-сонли Қарори билан тасдиқланган “Божхона брокери тўғрисида”ги Низомнинг 5-қисми “г” бандида божхона брокери декларантнинг номидан божхона тўловларини тўлаш мажбуриятини олиши белгиланган, лекин Божхона кодексининг 295-моддаси 1-қисми 2-бандига мувофиқ эса, божхона тўловларини тўлаш мажбурият агар декларант билан тузилган шартномада белгиланган бўлса, божхона брокери томонидан тўланиши белгиланган. Мазкур икки норма ўртасидаги тавофутни бартараф этиш мақсадида “Божхона брокери тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиш, шунингдек божхона тўловларини божхона брокери томонидан тўлаш механизми ишлаб чиқирилиши лозим. Ушбу механизмнинг ишлаб чиқирилиши келгусида божхона брокерлари ва декларант ўртасидаги муносабатларни конкретлашувига ҳамда божхона брокерларини шартномада назарда тутилмаган мажбуриятлардан озод қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 14 июлдаги 01-02/20-28-сонли Қарори билан тасдиқланган “Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисида”ги Низомнинг 8-банди 1-қисмига кўра, божхона расмийлаштируви мутахассис малака аттестатини олишга талабгор шахс ўрта-махсус ёки олий маълумотга эга бўлиши, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларда мутахассис сифатида камида бир йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар фаолиятини янада самарали равишда ташкил этиш мақсадида “Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, мазкур мутахассислик учун фақат олий маълумотга эга бўлишлик цензи ҳамда фақатгина ташқи иқтисодий фаолияти билан эмас, балки мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектда фаолият юритаётган шахслар божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис бўла олишлари тўғрисидаги норма жорий қилиниши лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳуқуқи эндиgina тараққий этиб бораётганлигини инобатга олиб, мазкур соҳада ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимлар ва илмий-тадқиқотчилар томонидан назарий адабиётлар деярли ишлаб чиқилмаганлиги сабабли божхона ҳуқуқининг назарий асослари (дарслик, ўқув-қўлланма, мажмуа ва бошқа ёрдамчи материаллар) яратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон 1996.- 364-бет.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-380 бет.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-338 бет.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996.- 349 бет.
5. Каримов И.А. Янгача фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-5.–Т.: Ўзбекистон, 1997.-384 бет.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (*“Халқ сўзи” газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон*).
2. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда*).
3. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (янги таҳрири) (*Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(I)-сон, 31-модда*).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чоратadbirlar тўғрисида”ги ПФ-1162-сонли Фармони (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 140-модда*).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чоратadbirlar тўғрисида”ги ПФ-1871-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 204-сонли Қарори билан тасдиқланган “Божхона йиғимлари ставкалари”.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 26 апрелдаги 126-в ва 03/19-126-сон билан тасдиқланган “Жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 7 майда 716-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*).

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2000 йил 31 мартдаги “Товар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органлари иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартиби тўғрисида”ги 02/8-18-сон Қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 11 майда 925-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*).

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 майдаги “Электр энергиясини декларациялашни соддалаштириш тўғрисида”ги 172-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 14 июлдаги 01-02/20-29-сон Қарори билан тасдиқланган “Божхона брокери тўғрисида”ги Низом (*Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 15 сентябрда 1271-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*).

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 14 июлдаги 01-02/20-28-сон Қарори билан тасдиқланган “Божхона расмийлаштируви бўйи мутахассис тўғрисида”ги Низом (*Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 15 сентябрда 1272-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*).

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 1 мартдаги 249-В ва 01-02/19-16-сон Қарорлари билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 мартда 1326-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 11-сон, 134-модда*).

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2010 йил 28 октябрдаги 01-02/12-8 ва 20-сонли Қарорлари билан тасдиқланган “Божхона чегарасидан олиб ўталаётган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 19 ноябрда 2156-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*).

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-9-сон Қарори билан тасдиқланган “Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 30 январда 2418-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 63-модда*).

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-10-сон Қарори билан тасдиқланган “Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низом (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 30 январда 2419-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 64-модда*).

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сонли Қарори билан тасдиқланган “Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (*Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 5 августда 2606-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*). Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 41-модда.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида учувчисиз учиш қурилмаларидан санкциясиз фойдаланишда огоҳлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 322-сонли Қарори (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 48-сон, 570-модда*).

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрда 376-сон Қарори билан тасдиқланган “Товарларни божхонада электрон тарзда декларациялаш тартиби тўғрисида”ги Низом (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 1-сон, 8-модда*).

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 октябрдаги “Автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида давлат божхона хизмати органларининг электрон тарзда олдиндан хабардор қилинишини жорий этиш тўғрисида”ги 307-сон Қарори (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 44-сон, 561-модда*).

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сон Қарори билан тасдиқланган “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 6 апрелда 2773-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган*).

21. Приказом ГТК РФ от 1 декабря 2003 г. № 1368 утверждены перечни таможенных органов, правомочные принимать таможенные декларации.

22. Об использовании предварительной таможенной декларации при оформлении процедуры внутреннего таможенного транзита см.: письмо ГТК РФ от 18 мая 2004 г. № 01-06/17822.

23. Таможенный кодекс Таможенного союза (приложение к Договору о Таможенном кодексе Таможенного союза принятому Решением Межгосударственного Совета ЕврАзЭС на уровне глав государств от 27.11.2009 №17, ред. от 10.10.2014).

III. Махсус адабиётлар:

1. Сандровский К.К. Таможенное право. – Киев. 1971. – 210 с.
2. Таможенное право: учебник для бакалавров / В.Н. Сидоров. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2013. – 439 с.
3. Таможенное право: учеб.-метод. пособие / С. В. Безуглов. – Краснодар, 2013. – 56 с.
4. Таможенное право Учебник для вузов / Под ред.Х.А. Андриашина. – М.: ЗАО «Юстицинформ», 2006. 264 с.
5. Таможенное право: учебник для вузов // Х.А. Андриашин, В.Г. Свинухов. Под общей редакцией доктора юридических наук, профессора Х.А. Андриашина. – М.: Издательство «БЕК», 2013. – 112 с.
6. Таможенное право: учебник // Б.Н. Габричидзе, А.Г. Чернявский. – 5-е изд. – М.: 2009, – 462 с.
7. Бекашев К.А., Моисеев Е.Г. Таможенное право. Учебник. 2-е изд. М.: Проспект, 2008. – 280 с.
8. Таможенное право : курс лекций // О.Ю. Бакаева, Г.В. Матвиенко. – М.: РАП, Эксмо, 2009. – 272 с. – (Учебный курс : кратко и доступно).
9. Бекашев К.А., Моисеев Е.Г. Таможенное право : учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Проспект, 2010. – 312 с.
10. Малиновская В.М. Таможенное право России / В.М. Малиновская // Учебник по публичному и частному праву в 2-х томах. Т.1: Публичное право. - М.: Статут, 2008. – 487 с.
11. Таможенное право: учебник для бакалавров // Д.В. Чермянинов; отв. ред. Д.Н. Бахрах. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2013. – 411 с. – Серия : Бакалавр. Базовый курс.
12. Таможенное право: Учебное пособие / Под.ред. В.Г. Драганова, М.М. Рассолова – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 168 с.
13. Таможенное право: учебник / Халипов С.В., – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2011. – 396 с.
14. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Т. Тултеев ва бошқ.; проф. Х.Т. Одилқориевнинг таҳрири остида. – Тошкент.: “Шарқ”, 2009 й. 504 бет.

IV. Илмий диссертация ва авторефератлар:

1. Еремин В.В. Таможенное оформление как институт российского таможенного права / автореф. дисс. к.ю.н. Саратов, 2007.
2. Правовое регулирование таможенного оформления: Сравнительно-правовое исследование: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Специальность 12.00.14 – Административное право; Финансовое право; Информационное право /Р. В. Дзугаев; Науч. рук. А. Б. Новиков. – Санкт-Петербург, 2006. -27 с.
3. С884 Ступников, А. А. (Александр Александрович). Административно-правовое регулирование таможенного оформления товаров, перемещаемых через таможенную границу Таможенного союза: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Специальность 12.00.14 - административное право, административный процесс / А. А. Рогачева науч. рук. Ю. Н. Старилов. -М., 2013. – 24 с.

V. Илмий мақолалар:

1. Ю.В. Федасова. Актуальные проблемы формирования таможенного законодательства таможенного союза. Журнал: Социально-политические науки. № 1. 2013. Стр. 46-48.
2. Елканов Б.В. 3. Налоговые и таможенные проблемы. Таможенное оформление и таможенный контроль: понятия и правовая сущность. Журнал: Бизнес в законе. № 3. 2010. Стр. 58-60.
3. Ю.А. Максимов. Таможенный союз: аспекты формирования единого таможенного законодательства. Журнал: Общество (Terra Humana). № 9. 2012. Стр. 77-85.

VI. Интернет сайтлари:

1. www.lex.uz
2. www.customs.uz
3. www.eurasiancommission.org